

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

24-сон
(992)
2021 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

342. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июндаги ўРҚ–696-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

343. «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони

344. «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги ПҚ–5146-сон қарори

345. «Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПҚ–5148-сон қарори
346. «Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги ПҚ–5149-сон қарори
347. «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5150-сон қарори
348. «Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5151-сон қарори
349. «Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5152-сон қарори

Учинчи бўлим

350. «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори
351. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт ва солиқ техникумлари фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 июндаги 377-сон қарори

Бешинчи бўлим

352. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 13-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 10 июндаги 19-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-4*)
353. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 2 июнда-

- ги 145-сон «Техник кўриқдан ўтказишда ДЙҲХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2367-1*)
354. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 12 июндаги 08/15-05/01-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 11 июндаги 20-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-5*)
355. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил 16 июндаги 23-сон «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3310*)
356. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 17 июндаги 01/14-14-13-987-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 16 июндаги 22-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-4*)
357. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 июндаги 33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 17-сон «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2265-2*)

358. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 28 майдаги 12/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-1*)

359. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 июндаги 5-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқноманинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-1*)

360. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2021 йил 14 июндаги 148-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан, илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинадиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036-1*)

361. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 июндаги 14-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3311*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

342 «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ–610-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«идентификацияловчи ID-картаси (бундан буён матнда идентификацияловчи карта деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг шахсига доир биографик ва биометрик маълумотлар киритилган электрон жисмга (чипга) эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ёки чет давлат фуқаросига ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган ҳужжат»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 5-модда:

биринчи қисмининг «б» бандидаги «доимий пропискадан ўтган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «доимий пропискада турганлик» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

3) 6-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июнда эълон қилинган.

жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида ҳамда мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибида аниқлаши мумкин»;

4) **7-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Қуйидагилар ўн олти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир:

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг туғилган жойидан қатъи назар) — ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи паспорти, идентификацияловчи картаси ёки бошқа ҳужжати кўрсатилганда;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бола Ўзбекистон Республикасида туғилган тақдирда) — фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ота-онанинг (ёлғиз отанинг ёки онанинг) Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси кўрсатилганда»;

5) **19-модданинг иккинчи қисми** «назарда тутилган шарт» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасида туғилган ва яшаб келаётган ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **28-модданинг:**

биринчи қисмидаги «фуқаролиги олинганлиги» деган сўзлар «фуқаролигига қабул қилинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «фуқаролиги олинганлиги» деган сўзлар «фуқаролигига қабул қилинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **37-модданинг иккинчи қисмидаги** «яшаш жойидаги» деган сўзлар «яшаш ёки вақтинча турган жойидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **38-модда:**

биринчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспорт ёки идентификацияловчи карта (яшаш гувоҳномаси)»;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси «паспорти» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи карта» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **39-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи карта» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси «паспорти» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **43-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг ваколатли органи сўрови бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ариза берувчида унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда ариза берувчига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ёхуд Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилади»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ушбу Қонун 5, 6, 13 — 16 ва 32 — 36-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ички ишлар органининг хулосасига асосан олиб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси олиб қўйилаётган шахс мазкур хулосадан норози бўлган тақдирда, у ўзининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли»;

11) **45-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига кириб келганлигини ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўн беш йил ва ундан ортиқ йил давомида доимий яшаб келаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар»;

олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12) **51-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ушбу Қонунда белгиланган тартибда олган шахсга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

ички ишлар органи томонидан — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

консуллик муассасаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахсга ички ишлар органи томонидан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётганида унга ички ишлар органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳужжати берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш рухсат этилган шахсга, шу жумладан болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади;

13) 55-модда 1-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «Кенгашининг» деган сўз «Мажлиси палаталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органилари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 июнь,
ЎРҚ-696-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

343 Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида*

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Адлия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб борсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари:

а) ҳар йили:

1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказди;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига (кейинги ўринларда — Портал) ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан, индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотransпорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қўйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлайди:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар; давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими).

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат тест марказининг қўйидаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун тест ва ижодий (қасбий) имтиҳонлар;

олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул имтиҳонлари;

республикадаги ёки хориждаги олий таълим муассасасидан республикадаги давлат олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш истагини билдирган талабалардан олинадиган имтихонлар;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган тест синовлари.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларни жалб қилган ҳолда 2021/2022 ўқув йили қабулига қадар «transfer.edu.uz» платформаси негизида мазкур бандда кўрсатилган имтихон жараёнларини Интернет тармоғида жонли эфирга узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлган «imtihon.uz» веб-платформасини ишга туширсин;

бир ой муддатда имтихонларни (тест синовларини) ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш бўйича техник талабларни (ўрнатиладиган видеокамералар ва тасвир сифати, жойлашиш схемаси ва бошқалар) ишлаб чиқсин;

мазкур бандда кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмайдиган масъулларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ҳукуматга киритиб борсин.

4. Қуйидагилар 2021 йил 1 июлдан бошлаб қайд этилган маълумотларни Порталга жойлаштириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминласин:

Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар — давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотларни (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг);

Давлат активларини бошқариш агентлиги — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхатини (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона ҳудуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхатини;

Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор)

функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат солиқ қўмитаси — давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни;

Молия вазирлиги — давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфлалиши тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат активларини бошқариш агентлиги — давлат муассасалари рўйхатини (ташқил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни (давлат сирини ташқил этувчи махфий вазифа юклатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).

5. Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар Порталнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали билан интеграция қилинишини таъминласин.

6. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2021 йил 1 августга қадар доимий равишда янгилаб туриладиган Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасини Қўмитанинг расмий веб-сайтида ва Порталда ишга туширсин.

Бунда, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасида кўрсатилган маълумотлар билан бир қаторда қўйидаги маълумотлар мазкур ахборот базасида акс эттирилишини таъминласин:

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги тузилган барча шартномалар, овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи тугатилган ҳолатлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома берилган барча шахслар ва рухсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир берилган барча рухсатномалар ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўрмон-овчилик хўжаликлари томонидан берилган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари.

7. Агентликнинг давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилаш мақсадида:

а) Агентлик зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумот-

ларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни «Mening fikrim» веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқариш;

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуксиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига «давлат органлари фаолияти очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлиги» маданиятини сингдириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш;

б) Агентлик тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилсин;

в) Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин;

хар йили фаолият йўналиши бўйича эришган асосий ютуқлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрласин ва ўз расмий веб-сайти орқали эълон қилиб борсин;

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун амалга оширилиши устидан назоратни, шунингдек, Жаҳон одил судлов лойиҳасининг «Ҳукуматнинг очиқлиги» индикатори бўйича Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаларига мазкур органларда очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Давлат хавфсизлик хизмати Адлия вазирлиги, Агентлик ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин:

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхати, ундан фойдаланиш ва маълумотларни бундай ахборотлар жумласига киритиш ҳамда чиқариш асослари, муддатлари ва тартиби;

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхатига кирмайдиган маълумотларни махфийлаштиришни тақиқлаш;

чеклаб қўйилиши фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларнинг давлат сирларига киритилишини ман этиш;

фуқаролар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматчилари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштириш шартлари ва тартиблари;

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва илғор тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда давлат сирларини сақлашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича фаолиятни тартибга солувчи, шу жумладан мониторинг ўтказиш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, очиқлик индексини ҳисоблашга қаратилган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб:

мазкур Фармоннинг 11-бандида кўрсатилган методика асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланади;

Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини аниқлаш бўйича чораларни кўради, натижаларни ўз расмий веб-сайтлари ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказилишини таъминлайди.

13. Олий Мажлис палаталарига ўз расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириш тавсия этилсин:

парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар;

Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонунни (қарорни) маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сай-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотлар.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Агентлик:

а) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этсин;

б) манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрдан бошлаб куйидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилишини таъминласин:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари (ёпиқ мажлислар бундан мустасно);

тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлиғини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно).

15. Мазкур Фармонда кўрсатилган қоида ва тартибларнинг бузилиши давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиши сифатида баҳолансин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Агентлик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда:

2022 йил 1 январга қадар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси концепциясини;

2022 йил 1 апрелга қадар ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

17. Агентлик Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 июнь,
ПФ-6247-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**344 Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чоратadbирлар тўғрисида***

Республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Паррандасаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 июндан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1 000 сўм миқдоридан республика бюджетидан субсидия ажратиш таклифи маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ;

а) тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 январга қадар қўйидагилар учун ажратилаётган кредит бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан:

омухта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банки томонидан ажратиладиган 10 миллиард сўмгача бўлган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 8 фоиз пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банки томонидан ажратиладиган 10 миллиард сўмгача бўлган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 8 фоиз пунктдан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади;

б) қушхона ва музлаткичларни ўз ичига олган паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплексни (кейинги ўринларда — замонавий комплекс) ишга туширган тадбиркорлик субъектига лойиҳа қиймати 40 миллиард сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдоридан Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан субсидия берилади.

Бунда, ушбу банднинг «б» кичик бандида белгиланган субсидия тўлови 1-иловага** мувофиқ ҳудудларда ташкил этиладиган санитария ва экология таълабларига, шу жумладан ISO 22000 НАССР стандартига жавоб берадиган дастлабки 14 та замонавий комплексга улар ишга туширилгандан сўнг берилади.

3. Мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган компенсация тўлов-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июнда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини қоплаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берилсин.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун 85 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ «Микрокредитбанк» АТБга йўналтирилсин. Бунда,

1-босқичда — 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2021 йил 1 июлга қадар, шундан 15 миллион АҚШ доллари «Микрокредитбанк» АТБнинг устав капиталини ошириш учун;

2-босқичда — 35 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар, 1-босқич маблағларининг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашининг қарорига асосан йўналтирилади.

Мазкур маблағларнинг 70 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги қисми тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасида кредитлар бериш учун «Микрокредитбанк» АТБга 7 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоиз пунктдан паст фоиз ставкада ажратилади.

5. Белгилансинки:

а) «Микрокредитбанк» АТБга йўналтириладиган мақсадли маблағлар қуйидагиларни молиялаштириш учун ажратилади:

бўғдой, маккажўхори, соя дони ва шроти, кунгабоқар шроти каби озуқа-ем маҳсулотларини энг арзон бўлган йиғим-терим даврларида захира қилиш;

паррандачилик хўжаликлари ва озуқа-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда мавжуд қувватларни тўлиқ ишга тушириш учун 24 ойгача бўлган муддатга айланма маблағ ажратиш ва модернизация қилиш;

б) «Микрокредитбанк» АТБга йўналтириладиган мақсадли маблағлар ҳисобига бошқа тижорат банклари орқали тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳам молиялаштирилиши мумкин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 июлдан бошлаб 2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланилади;

2022 йил 1 июлга қадар тухум, парранда гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳамда соя донини импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари (уларнинг ваколатли вакиллари)га автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

«Паррандасаноат» уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан паррандачилик соҳаси эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари ҳамда уларнинг 6 ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизи, бироқ ойига 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми қоплаб

берилади. Бунда, мазкур харажатлар учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.

7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилсин.

Белгилансинки, «Паррандасаноат» уюшмаси раиси бир вақтнинг ўзида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Паррандасаноат» уюшмаси билан биргаликда 2021 йил якунига қадар 2-иловага* мувофиқ парранда маҳсулотлари етиштиришнинг прогност кўрсаткичларини бажариш чораларини кўрсин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар ветеринария-санитария талабларининг халқаро тажрибасига асосан паррандачилик корхоналарини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва 2022 йил 1 январдан бошлаб ташкил этилаётган паррандачилик лойиҳаларининг ушбу меъёрларга риоя қилган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Паррандасаноат» уюшмаси бир ой муддатда паррандачилик тармоғига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқсин ва 2022 йил 1 январга қадар ривожланган хорижий давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда республикада наслчилик ва омухта ем йўналишида лойиҳалар амалга оширилишини таъминласин.

11. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-мавзе, 35а-уйда жойлашган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги собиқ Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди (асосий воситалари) билан биргаликда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Томорқа хўжаликларида паррандаларнинг анъанавий ва касалликларга чидамли зот ва турлари парваришини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

юқори маҳсулдор хонаки паррандаларнинг репродуктив подаларини шакллантириш;

насли тухум инкубациясини йўлга қўйиш ҳамда парранда зотларини синовдан ўтказиш ва такомиллаштириш;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсий томорқа хўжаликларига мос, ихчам парваришлаш технологиялари ва органик озукалар турларини яратиш;

аҳолида парранда боқиш ва органик маҳсулот етиштириш кўникмаларини шакллантириш.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида базавий молиялаштириш шартлари асосида фаолият юритувчи 4 та штат бирлигидан иборат «Паррандачилик селекцияси ва технологияси» бўлимини ташкил этсин.

14. «Паррандасаноат» уюшмаси Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-«А» уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

15. «Ўздонмаҳсулот» АК бошқарув органининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини «Ўздонмаҳсулот» АКга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган бинода бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда етиштирилган ва реализация қилинган парранда гўшти ва тухум учун субсидиялар ажратиш тартибini тасдиқласин.

17. Паррандачиликни ривожлантириш ва паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов, молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 июнь,
ПҚ-5146-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 14 июндаги
ПҚ-5146-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4254-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбошисидан «Паррандасаноат» уюшмаси,» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарорининг 17-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4707-сон қарорига 1-илованинг 1-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

1.	Парранда тухуми, уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабоп маҳсулотлари*	0407, 0207
----	--	------------

».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5017-сон қарори 3-бандида:

биринчи хатбошидаги «1 июлдан» сўзлари «1 июндан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «800 сўм» сўзлари «1 000 сўм» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**345 Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уларни оммавий ҳаракатга айланттириш, аҳолининг жисмоний қобилиятини аниқлаш ва рағбатлантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 августдан бошлаб Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими (кейинги ўринларда — баҳолаш тизими) жорий этилсин ва қуйидагилар унинг асосий мақсади этиб белгилансин:

аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали жисмоний қобилият ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш ҳамда зарарли одатлар ва турли касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш;

ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустаҳкамлаш, уларда жасорат, ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш, юртимиз шарафини химоя қила оладиган, жисмонан бақувват ва интеллектуал салоҳиятли Ватан мудофаасига муносиб захира кадрларни тайёрлаш;

республика ҳудудида, шу жумладан олис ҳудудларда жойлашган қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларда аҳолини соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш;

аҳоли жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий тажрибасини татбиқ этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

баҳолаш тизими бўйича спорт синовлари (кейинги ўринларда — спорт синовлари) махсус ва ихтиёрий равишда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган қатлами ва ундан катталарнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлайди;

спорт синовлари поғона ва мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, 15 турдаги, шу жумладан узоқ ва қисқа масофаларга югуриш ҳамда сузиш, турникда тортилиш, анжомларни улоқтириш ва бошқа машқлардан иборат бўлади;

спорт синовлари иштирокчиларига 11 та ёш тоифаси бўйича эгалла-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

ган ўрни ва даражасига қараб спорт разрядлари ва унвонлари берилади ҳамда улар моддий ва бошқа совғалар билан рағбатлантирилади;

Туризм ва спорт вазирлиги спорт синовлари тадбирлари ўтказилишининг ташкилотчиси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

Спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий (кейинги ўринларда — ҳудудий ишчи гуруҳлари) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар белгилансин:

а) Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб:

хар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларида спорт синовларини ўтказиш «йўл харитаси» ва муддатларини белгилаш;

ҳудудий ишчи гуруҳлари ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш;

спорт синовларини муваффақиятли топширганларнинг юқори рейтинг натижаларини қайд этиш тизимини йўлга қўйиш;

ҳаваскор спортчиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини яхшилашга йўналтирилган илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилишини қўллаб-қувватлаш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида туман (шаҳар)ларда спорт синовлари ўтказилишининг ташкил этилиши, шунингдек, бу борада яратилган шароитларни мунтазам равишда ўрганиб бориш;

спорт синовларини топширишда рекорд натижаларни қайд этган ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш;

б) ҳудудий ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари этиб:

туман (шаҳар)ларда жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш ва оммавий спортни кенг тарғиб қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларда спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатлари, конкурсларни ташкил этиш орқали спорт синовлари тарғиботини ҳамда ўтказилишини ташкил этиш;

спорт синовларининг (ихтиёрий ва махсус талабларини бажарган) ғолибларини тақдирлаш ишларини тантанали равишда амалга ошириш;

спорт синовлари ўтказиладиган сана, ўтиш жойи, режаси ва шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон берилишини таъминлаш;

туман (шаҳар)ларда спорт синовларининг махсус талабларини бажариш учун алоҳида марказларни ташкил этиш ва зарур ҳолларда спорт синовла-

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рини ўтказиш учун хусусий шерикларни жалб этган ҳолда тегишли шарт-шароитларни яратиш;

зарур ҳолларда спорт синовларини такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Республика комиссиясига киритиш;

махсус спорт синовлари натижаларининг жойларда адолат ва шаффофликни таъминлаган ҳолда расмийлаштирилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, барча давлат органлари ва ташкилотлари:

спорт синовларининг ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб борилишида аҳолининг барча қатламлари хоҳишларига қараб фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин;

спорт синовларини ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш ҳамда меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган «Спорт тарғиботчиси» ходимининг қисқа муддатли малака ошириши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига (К. Рафиқов):

меҳнат жамоаларида ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш;

спорт синовларини муваффақиятли топширган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларига ҳар йили бир маротаба дам олиш масканлари ёки санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш тартибини жорий этиш тавсия этилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) — спорт синовларини ўтказишда ҳудудий ишчи гуруҳларига кўмаклашишга, жумладан маҳалла профилактика инспекторлари томонидан ўз ҳудудида истиқомат қилувчи (доимий ёки вақтинчалик) уюшмаган ёшлар ва аҳолининг рўйхати шакллантирилишига;

б) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) — спорт синовлари ўтказиладиган жойлар (майдонлар ва спорт иншоотлари)да ҳамда уларнинг атрофида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларнинг белгиланган тартибда амалга оширилишига;

в) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

барча давлат органлари ва ташкилотларда фаолият юритувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган шахсларни ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича масъулларни даврий равишда тиббий кўрикдан ўтказишга;

иштирокчиларга юқори савияда тиббий хизмат кўрсатилишига, спорт тадбирлари ўтадиган жойларда зарур тиббий анжомлар, дори воситалари ҳамда тез ёрдам автомашиналари навбатчилиги ташкил этилишига;

г) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев) — спорт синовлари ўтадиган жойларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига мос бўлишига;

д) Миллий гвардия (Р. Джураев) — спорт синовлари ўтказиладиган, иштирокчилар жойлашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойларда ва уларнинг атроф-худудларида жамоат тартибини сақлашга, йўл ҳаракати иштирокчилари учун ажратилган автотранспорт воситаларини йўл-патруль хизмати автомашиналари ёрдамида кузатишга;

е) Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) — тизимидаги таълим муассасаларининг ўқувчи ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига;

ж) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) — тизимидаги таълим муассасаларининг талаба ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига;

з) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) — маҳалла ва қишлоқлардаги банд бўлмаган аҳолининг барча қатлаמידан спорт синовларининг қабул қилинишига;

и) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) — мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилишига;

й) Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев), Миллий гвардия (Р. Джураев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) — тизимидаги барча ходим ва хизматчилардан спорт синовларининг қабул қилинишига масъул ҳисобланади.

8. Туризм ва спорт вазирлигининг спорт синовларини муваффақиятли топширган шахслар учун «Жисмоний тайёргарлик даражаси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, спорт синовларининг махсус талабларини бажарган ғолиблар I, II, ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирланади.

9. Баҳолаш тизими бўйича ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб спорт синовларининг махсус талабларини муваффақиятли бажарган шахслар бир йил мобайнида қуйидаги имтиёзлар ва рағбатлантиришлардан фойдаланади:

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тўловининг 50 фоизини чегирма билан тўлайди ва муддатли ҳарбий хизматга биринчилар қаторида устунлик билан юборилади;

махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) «Темурбеклар мактаби»га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга киришда;

бепул тарзда давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марталик чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтади;

махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) умумий фойдаланишдаги давлат йўловчи ташиш шаҳар транспортида бепул ҳамда худудлараро ҳаракатланишда 50 фоиз чегирмали тўлов билан имтиёзли юриш ҳуқуқи берилади (такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно);

фарзандлари яшаётган жойдаги умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилади;

барча давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларига иш жойи

ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилади;

республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган имтиҳон (олий таълим муассасалари спорт йўналишларидан ташқари), синов, амалий машғулотларда устунлик (имтиҳонда максимал балл ёки амалий машғулотлардан озод қилиниши) берилади.

Белгилансинки, мазкур қарор билан белгиланган спорт синовларини ўтказиш ва голибларни рағбатлантириш билан боғлиқ ҳар йилги харажатлар Давлат бюджети параметрларида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов) ҳамда манфаатдор спорт федерация (ассоциация)ларининг спорт синовларини баҳолаш тизими меъёрлари, спорт разрядлари ва унвонлари, ўтказиш графикалари ва иштирокчилар учун тавсиялар платформасини (www.jtdss.uz) ҳамда спорт синовлари иштирокчилари ҳақидаги ягона электрон базани яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов):

а) 2021 йил 1 августга қадар спорт синовларининг платформаси (www.jtdss.uz) ва ягона электрон базаси фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин;

б) ҳар йили март ойи якунига қадар худудлар кесимида спорт синовларини ўтказиш вақти, жойи ва спорт иншоотларининг манзиллари, ҳакамлар ҳақидаги ва бошқа батафсил маълумотларни платформада жойлаштириб борсин ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этсин;

в) ҳар йил якуни билан спорт синовларини муваффақиятли топширган фуқароларнинг энг юқори натижалари ва рекорд ўрнатганлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни платформада ва ягона электрон базада юритиш амалиётини жорий этсин.

Платформа ва ягона электрон базани ишлаб чиқиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Туризм ва спорт вазирлигига юклатилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги спорт синовларининг платформаси доимий равишда ҳаққоний ва фаол ишлаб туришига, шунингдек, унинг доимий техник қўллаб-қувватланишига, маълумотларни таҳлил қилиш, тузилган рейтинглар шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлашга масъул ҳисобланади.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) билан биргаликда «Ягона меҳнат миллий тизими» идоралараро дастурий-аппарати комплексида электрон маълумотлар алмашинуви асосида фуқароларнинг шахсий маълумотларини спорт синовлари муваффақиятли топширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириб бориш амалиётини жорий этсин.

12. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов):

а) бир ой муддатда Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомни, «Жисмоний тайёргарлик даражаси» кўкрак нишони ва гу-

воҳномасининг тавсифларини тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ой муддатда:

Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов) билан биргаликда аҳолининг спорт синовлари билан қамраб олинишини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, барча давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари кесимида рейтинг асосида таҳлил қилиш тизимини жорий этсин;

барча давлат органлари ва ташкилотларининг спорт тарғиботчилари томонидан спорт синовлари ўтказилишини таъминласин ҳамда улар томонидан ходимлар ўртасида спорт синовларини топшириш бўйича тарғибот ишларининг олиб борилишини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига спорт синовларини кенг тарғиб қилиш, аҳолини спорт синовларининг муддати тўғрисида хабардор қилиш мақсадида тегишли телерадиоканаллар эфирда эълонларни намойиш этиш, голиб ва совриндорлар фаолияти ҳамда спорт билан шуғулланишнинг инсон ҳаёти ва саломатлигини таъминлашдаги аҳамиятини тарғиб қилувчи кўрсатув ҳамда эшиттиришларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

14. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 июнь,
ПҚ-5148-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**346 Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш
ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш, буюк аждодларимиз Амир Темури, Бобур Мирзо, Жалолиддин Мангубердилардан мерос бўлиб қолган камондан отиш анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, миллий спорт турларини кўпайтириш, камондан отиш спорт тури бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар камондан отиш спорт турини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

профессионал спортчилар, малакали тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларни касбий ривожлантириш, ўқув-машғулотлар жараёнига илғор илмий-инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш;

ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш ҳамда замонавий спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминлаш, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан паракамондан отиш спорт тури билан шуғулланиш учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг Паралимпия ва Параосиё ўйинлари ҳамда халқаро мусобақалар, турнирлар ва жаҳон чемпионатларида доимий ва муносиб иштирокини таъминлаш;

республика ва халқаро мусобақалар, турнирларни ҳамда жаҳон чемпионатларини доимий равишда ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий ва профессионал чет эл бренд камонлари, ўқлар, тўсиқлар ҳамда спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

камондан отишни миллий спорт тури сифатида кенг ёритиш ҳамда тарғиб қилиш ишларини ташкиллаштириш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 июнда эълон қилинган.

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг:

хар бир болалар-ўсмирлар спорт мактабида (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган мактабларда) мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, камондан отиш секция ва бўлимларини ташкил этиш;

хар бир олимпия захиралари коллежида (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган коллежларда) камондан отиш бўлимларини очиш;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида камондан отиш таълим йўналишини очиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ўзбекистон камондан отиш федерацияси билан биргаликда:

2021 йил 1 сентябрга қадар болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларини замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминласин ва ушбу мақсадларга Туризм ва спорт вазирлигига ҳамда унинг тизимидаги спорт таълими муассасаларига бюджетдан 2021 йил учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмидан зарур маблағлар йўналтирсин;

бир ой муддатда камондан отиш спорт тури бўйича тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ошириш режасини тасдиқласин;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларига камондан отиш спорт тури бўйича етакчи хорижий тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни шартнома асосида жалб қилсин ҳамда тегишли молиявий ва ташкилий масалаларни ҳал этсин.

3. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб камондан отиш спорт тури бўйича ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)-нинг уч босқичли тизими жорий этилсин. Бунда:

биринчи босқичда — таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларидан сараланган спортчилар ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари (туман/шаҳар ҳокими кубоги);

иккинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари ўртасида ҳудудий мусобақалар (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кубоги);

учинчи босқичда — ҳудудий мусобақалар ғолиблари ва совриндорлари ўртасида республика мусобақалари ўтказилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А. Каримов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуни-

кациялар масалалари бўйича ўринбосарлари иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг уч босқичли тизимини тегишли ҳудудларда тўлиқ жорий қилиш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда камондан отиш спорт тури бўйича:

Тошкент шаҳрида «Алпомиш ва Барчиной» халқаро турнирини ташкил этиш;

Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида «Тўмарис кубоги» халқаро турнирини ўтказиш;

мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада кенг намоён этиш ҳамда ушбу спорт турининг оммавийлигини ошириш мақсадида Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива шаҳарларида «Туризм ва камондан отиш ҳафталиги»ни ташкил этиш ва унинг доирасида кенг сайёҳлар оқимини жалб қилган ҳолда камондан отиш бўйича спортчилар ва сайёҳлар ўртасида турнирлар, маҳорат дарслари ҳамда учрашувлар, туристик салоҳият акс этган сайиллар ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича режа-жадвални тасдиқласин;

халқаро турнирларда маҳаллий камончилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро камончилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин.

5. 2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида камондан отиш спорт тури бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт базаларини (кейинги ўринларда — спорт базалари) ташкил этиш режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) спорт базаларига методик кўмаклашиш Ўзбекистон камондан отиш федерацияси томонидан амалга оширилади;

б) спорт базалари, шу жумладан қуйидагилардан иборат бўлади:

умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, ўқув машғулотлари ва мусобақаларни ўтказиш учун очиқ турдаги спорт майдони ва спорт зали;

томошабинлар учун трибуна, тренерлар, тиббиёт ходимлари, кийим алмаштириш хоналари, тренажёр зали, спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини сақлаш учун хона.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) Туризм ва спорт вазирлиги (А. Каримов) билан биргаликда

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йил ва келгуси йилларда Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан спорт базаларини қуриш учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги (К. Туляганов) спорт базаларини инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига қўйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

хар бир ҳудуднинг битта тумани (шаҳри)ни камондан отиш спорт турини устувор спорт тури сифатида белгилаш ҳамда уни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш;

тегишли ҳудудда камондан отиш спорт турининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, спорт базаларини ташкил этиш ишларига яқиндан кўмаклашиш;

2022 — 2024 йилларда ҳудудларда спорт базаларини ташкил этиш ишларини Инвестиция дастури доирасида амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

жойларда камондан отиш спорт турини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

жойлардаги раҳбар кадрлар орасидан номзодларни Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлинмаларининг раиси лавозимида тавсия этиш.

7. Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов) билан биргаликда камондан отиш спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида:

Бутунжаҳон камондан отиш федерацияси ҳамда Осиё камондан отиш федерацияси билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда, ушбу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар (авваламбор Туркия, Эрон, Малайзия) ва бошқа мамлакатлар (Корея Республикаси, Германия,

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Россия) билан биргаликда камондан отиш спорт тури бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш, тажриба алмашиш, бошқа қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда 2021 йил 1 ноябрга қадар мамлакатимизда этносport турларини (белбоғли кураш, улоқ, кўпкари, ошиқ ўйини, қарабтеп (ланка) ўйини, от пойгаси, кўк бўру, дорбоз, чиллак ва бошқалар) ривожлантириш ва оммалаштиришни, Бутунжаҳон этносport конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг буюртмасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг буюртмасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визаларининг берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А. Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 июнь,
ПҚ-5149-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

347 Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб ва нодир маданий меросини асраб-авайлашни кучайтириш, соҳани рақамлаштириш, инновацион ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини самарали қўллаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасида: моддий маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, тарғиб қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юритиш, қўриқланидиган теграларини белгилаш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, со-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июнда эълон қилинган.

ҳани рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, буюртмачи функциясини бажариш, узлуксиз равишда илмий-техник назорат қилиш, тарихий-маданий экспертиза ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тарихий-маданий қимматга таъсири бўйича экспертизасини амалга ошириш;

б) музейлар соҳасида:

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ва музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

в) алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар соҳасида:

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг паспорти, бошқариш режалари, режими, қўриқланадиган теграларини белгилаш, ушбу ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

тарихий жойларни Умумжаҳон мероси рўйхатига киритишга тавсия этиш, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари, ЮНЕСКО, Умумжаҳон мероси маркази, Умумжаҳон мероси қўмитаси тавсияларининг мамлакат ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

г) археология соҳасида:

археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, археология тадқиқоти учун рухсатнома бериш, илмий ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ва унинг сақланишини таъминлаш;

Археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология ашёларининг давлатга топширилишини ташкил қилиш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш ва тасарруфдан чиқариш;

археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, ҳалокат ёқасидаги археология объектларида зудлик билан тадқиқот ўтказилишини таъминлаш, археология объектларини консервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология паркларини яратиш;

д) мамлакатимиз ва хориждаги маданий бойликлар соҳасида:

маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши ва унинг ҳудудига олиб кирилиши бўйича сертификат бериш ва реализация қилишни мувофиқлаштириш, маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказиш, уларнинг

тоифасини аниқлаш, давлат реестрини юритиш, соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, мунтазам янгиланган бориш ҳамда асл ёки кўчирма нусхалари, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш;

илмий ўрганиш асосида олинган илмий маълумотлар ва уларнинг таҳлилий натижаларига оид библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар, ахборот бюллетенлари ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг ёритиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Белгилансинки, Агентлик:

моддий маданий мерос, музейлар, археология, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади;

ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик ёки қонун бузилишларини бартараф қилиш ҳақида тегишлича ёзма равишда огоҳлантиришлар ва ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари жойлашган аҳоли пунктларининг бош режалари Агентлик билан келишилиши мажбурий ҳисобланади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида объектларни қуриш, бузиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибда келишилади. Бунда, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар (объектлар) бўйича лойиҳалар Агентлик томонидан ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия орқали ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан келишилади;

моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг давлат реестри Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

давлат кўчмас мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ёки текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади;

моддий маданий мерос объектига етказилаётган зарар ҳақидаги ҳолат

бўйича хабардор бўлган пайтдан бошлаб давлат назоратининг дастлабки натижалари 24 соат ичида Агентлик расмий сайти орқали жамоатчиликка маълум қилиниши шарт;

асрашга доир ишларни режалаштириш ва амалга оширишнинг барча босқичларини илмий-техник тадқиқ этиш учун ҳар бир объектнинг ўзига хослиги ва ҳолатидан келиб чиқиб, Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари тузилади, асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида гуруҳ аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш назарда тутилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари манзилли рўйхати Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва Агентликнинг Илмий-эксперт кенгашининг ижобий хулосалари асосида Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тасдиқланади;

асрашга доир ишларни амалга ошириш учун Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари ва Илмий-эксперт кенгашининг ижобий хулосаларига асосан Агентлик томонидан берилган рухсатнома бўлиши шарт, ушбу қоидага риоя қилмаган ҳолда берилган рухсатнома ҳақиқий ҳисобланмайди;

Илмий-эксперт кенгаши ва Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари аъзоларига давлат суд экспертлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар татбиқ этилади. Илмий-эксперт кенгаши хулосаси Агентлик учун мажбурий ҳисобланади.

5. Қуйидагилар:

Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 65 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) бошқарув ходимларининг чекланган сони 145 нафар этиб белгилансин.

Белгилансинки, Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларнинг тузилмаларига қўшимча 30 та штат бирлиги давлат музейлари ходимлари сонини мақбуллаштириш ҳисобига ажратилади.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдуҳақимов манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат музейлари ходимлари сонининг мақбуллаштирилишини инобатга олиб, давлат музейларининг намунавий штатлар жадвалининг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

6. Туризм ва спорт вазирлиги:

Агентликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар кириштиш;

ҳудудий бошқармалар тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунинг-

* 1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дек, уларда бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилансинки:

Агентлик директорининг мақоми меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра туризм ва спорт вазири-нинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари туризм ва спорт вазири-нинг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик ходими сифатидаги иш стажи бошқа давлат органларига, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга ишга ўтиш чоғида навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олиш, шунингдек, ҳарбий ва махсус унвонлар учун устамалар ҳамда узоқ муддатли хизмат учун қўшимча ҳақлар ҳисоблаш учун иш стажига қўшиб ҳисобланади;

моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни режалаштириш, амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва илмий-техник назорат қилиш 3-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

8. Агентликнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) молиялаштириш манбалари этиб қуйи-дагилар белгилансин:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат музей-қўриқхоналарига тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблағларнинг 90 фоиз миқдори;

давлат мулки бўлган бошқа ташкилотларга тегишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага бериш ва чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоиз миқдори;

музей-қўриқхоналарда чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 50 фоиз миқдори ва давлат музейларида чипталар сотилишидан тушган пул маблағларининг 10 фоиз миқдори;

маданий бойликларни бадиий экспертизадан ўтказиш, реализация қилиш учун давлат хизмати кўрсатиш, олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификат, Миллий музей фондининг давлат каталогига музей ашёлари ва музей коллекциялари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳамда унинг таркибидан музей ашёлари ва музей коллекцияларини чиқариш учун тўловлар;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини давлат кадастрига киритиш ва чиқариш, тарихий-маданий ҳудуднинг паспортини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, аҳоли пунктлари бош режаларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларга хулоса бериш учун тўловлар;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишлар учун рухсатнома ва лицензия бериш, илмий-техник назорат қилиш, шунингдек, тарихий-маданий ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тегишли экспертизалари, реставратор-усталарга малака сертификати бериш учун тўловлар;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, Умумжаҳон мероси рўйхати-га киритилган ҳудудлар ва уларнинг қўриқланадиган теграларида ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишларини ўтказишга оид лойиҳалар, меросга бўлган таъсирини баҳолаш ҳисоботларини кўриб чиқиш учун тўловлар;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ҳамда нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлиги учун тўланадиган жарималар, шунингдек, давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблағлар;

ваколатли органлар томонидан Агентлик, унинг тизимидаги ташкилотлар ва давлат музейлари, музей-қўриқхоналари фаолиятини, шунингдек, моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга оширишни текшириш натижалари бўйича аниқланган ноқонуний сарфланган бюджет маблағларининг, талон-торож, растраталар, камомадлар суммаларининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

9. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

моддий маданий мерос объектларини, шу жумладан археология мероси объектлари, маданий бойликлар ҳамда музей ашёлари ва коллекцияларини муҳофаза қилиш, консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини, археология ашёлари, миллий музей фондининг давлат каталоглари ва паспортларини юритиш, музейлар фаолияти ва археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва оммалаштириш ишларини ташкил этиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон мероси рўйхати-га киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларни муҳофаза қилиш;

Агентлик ва ҳудудий бошқармаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон хизматларни ривожлантириш ва рақамлаштириш, соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга самарали қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш;

экспертларни, жумладан хорижий мутахассислар, Илмий-эксперт кенгаши, Илмий-техник тадқиқот гуруҳлари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш, жамоатчи инспекторлар, Агентлик ва ҳудудий бошқармаларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш, Агентлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб этиш;

конунчилик хужжатлари билан белгиланган Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10. Қўйидагилар:

2021-2022 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, музейлар фаолиятини ривожлантириш ва соҳани рақамлаштириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ;

2021-2022 йилларда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш, уларнинг рақамлаштирилган паспорти ва каталогини ишлаб чиқишнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларини белгилаш ва рақамлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 6-иловага* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда давлат музейларидаги музей ашёлари ва музей коллекцияларини электрон идентификация қилиш мақсадли кўрсаткичлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлар 2021 йилда Жамғарма ва маданий мерос объектларини асраш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2022-2023 йилларда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Агентлик, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги билан биргаликда ҳар ярим йил якунида ўз ҳудудларида жойлашган моддий маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолати ҳақида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ахборот бериб борсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда мазкур қарор билан тасдиқланган «йўл харитаси» ва мақсадли кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишини танқидий таҳлил қилиб, Агентлик, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари фаолиятига баҳо бериб борсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ моддий маданий мерос объектлари ва музейлар соҳасидаги давлат хизматлари 8-иловага мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклда кўрсатилади. Бунда, ушбу рўйхатга киритилган давлат хизматларини кўрсатишда:

Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки аризачининг ўзи бевосита Агентликнинг тегишли тузилмасига мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Аризачининг ўзи бевосита мурожаат қилганда унинг мурожаати Агентлик ходими томонидан махсус электрон тизимда рўйхатдан ўтказилиши шарт;

* 3 — 7-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат хизматлари учун тўловларни электрон шаклда амалга ошириш орқали қвитанция талаб қилиш бекор қилинади;

Агентлик масъул ходимлари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб этилган мутахассислар, экспертлар томонидан тегишли кўчмас мулк ва кўчар ашёлар шахсан экспертизадан ўтказилади;

экспертиза ўтказиладиган манзил, вақт ва маълумот учун телефон рақамлари ҳамда давлат хизмати кўрсатиш натижаси ҳақида СМС юбориш орқали аризачи хабардор қилинади;

давлат хизматини кўрсатиш натижасида бериладиган ҳужжатлар QR-код (матрик штрихли код) қўйиш орқали берилади.

13. Белгилансинки, моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намойиш объектлари (кейинги ўринларда — намойиш объектлари):

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон Фармони билан тузилган Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади;

рўйхатига киритилган намойиш объектларига кириш-чиқиш жойларида 2021 йил 1 октябрга қадар электрон турникетлар ёки ташриф буюрувчиларни автоматик ҳисобга олишга мўлжалланган бошқа мосламалар «Рақамлаштириш ва автоматлаштириш маркази» ДУК томонидан, жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида ўрнатилиши ҳамда улар тегишли ягона электрон тизимга интеграция қилиниши шарт.

2022 йил 1 январдан бошлаб намойиш объектлари рўйхатига киритилган намойиш объектларида чипталар савдосини тегишли ягона электрон тизимга интеграция қилмаган ҳолда амалга ошириш назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш тартибини бузиш деб баҳоланади.

14. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдухакимов) икки ой муддатда:

тизимга интеграция қилиниши лозим бўлган намойиш объектлари рўйхатини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатнинг эълон қилинишини таъминласин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4068-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

си Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 октябрь ва 2022 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 июнь,
ПҚ-5150-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 19 июндаги
ПҚ-5150-сон қарорига
8-ИЛОВА

**2023 йил 1 январдан бошлаб моддий маданий мерос
объектлари ва музейлар соҳасида электрон шаклда
кўрсатиладиган давлат хизматлари
РЎЙХАТИ**

1. Моддий маданий мерос объектини давлат кадастрига белгиланган тартибда киритиш.
2. Моддий маданий мерос объектини давлат кадастридан белгиланган тартибда чиқариш.
3. Моддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш.
4. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишлар учун рухсатнома бериш.
5. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталарга малака сертификати бериш.
6. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланидиган теграларида ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишларини ўтказишга оид лойиҳаларни кўриб чиқиш.
7. Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда бино ва иншоотларни қуриш ёки уларни бузиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиш.
8. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектидан фойдаланиш бўйича хулоса бериш.
9. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектини текин фойдаланиш учун бириктириш бўйича хулоса бериш.

10. Ушлаб қолинган ёки мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олиш, уларни экспертизадан ўтказиш.

11. Маданий бойликларни реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш.

12. Олиб чиқиладиган ва олиб кириладиган маданий бойликларни ҳисобга олиш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бериш.

13. Археология ашёсини Давлат каталогига киритиш.

14. Археология ашёсини Давлат каталогидан чиқариш.

15. Археология ашёси Давлат каталогига кирган ёки кирмаганлиги ҳақида маълумот бериш.

16. Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибига музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда киритиш.

17. Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибидан музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда чиқариш.

18. Миллий музей фонди Давлат каталоги таркибига музей ашёлари кирган ёки кирмаганлиги ҳақида маълумот бериш.

19. Миллий музей фондининг Давлат каталогига музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

Изоҳ.

Ушбу рўйхатда келтирилган давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатишга 2023 йил 1 январга қадар босқичма-босқич ўтилади.

Тегишли лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич тўлиқ электрон тарзда «Лицензия» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли лицензиялаш, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар ўрнига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда хабарнома бериш тартиби жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**348 Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида***

Миллий кино санъатининг асрий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ушбу санъат тури орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик кўламини ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда кўп йиллар давомида ўтказилиб келинган жаҳонга машҳур Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6202-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 1968 — 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказилиб келинган «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали» «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тиклансин ҳамда 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилсин.

2. «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кино санъати орқали дунё мамлакатлари ўртасида маданиятлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жаҳон киноиндустрияси вакиллари билан ҳамкорликда қўшма кино лойиҳалари яратишни кенгайтириш;

инсонпарварлик ва бағрикенглик, халқлар дўстлигини тарғиб қилувчи, замонавий дунёнинг маданий хилма-хиллигини акс эттирувчи, турли мамлакатларнинг энг сара кино санъати асарларини юртимизга жалб қилиш;

миллий кино санъатини янада ривожлантириш ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш, ушбу санъат тури орқали халқимизнинг бой тарихи ва бетакрор маданиятини дунёга кенг тарғиб этиш;

хорижлик кино санъати вакиллари билан ҳамкорликда ушбу соҳада илмий тадқиқот ва изланишларни амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, таниқли кино намояндалари иштирокида конференция, давра суҳбатлари, тақдимот ва маҳорат дарсларини ташкил этиш.

3. «Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кинофестивали (кейинги ўринларда — Кинофестиваль) 2021 йилнинг 28 сентябрь — 3 октябрь кунлари «Тинчлик, тараққиёт ва маърифат» шиори остида ўтказилсин.

Кинофестиваль «Фестиваллар фестивали» шаклида, нуфузли халқаро кинофестивалларнинг голиб ва номинантлари иштирокида дунёнинг энг яхши кино санъати асарларини жалб қилган ҳолда ташкил этилсин ва унинг доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июнда эълон қилинган.

Кинофестиваль арафасида чет давлатларда Ўзбек кино санъати кунлари ҳамда Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг кино санъати кунларини ташкил этиш, ушбу тадбирларни Тошкент шаҳри ва республика ҳудудлари бўйлаб ўтказиш;

Осиё қитъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар ёш киноижодкорларининг қисқа метражли фильмлари фестивалини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш, унинг доирасида конференция, давра суҳбати, дунёга машҳур киноижодкорлар иштирокида маҳорат сабоқлари ва тренинглар, ижодий учрашувлар ташкил қилиш;

хорижлик меҳмонлар ва иштирокчилар учун энг сара миллий фильмларимиз намойишлари, Ўзбекистон кино санъати тарихи ва маданий меросига бағишланган медиа тадбирларни ташкил қилиш;

хорижлик ҳамкорлар ва экспертлар иштирокида «Ўзбекфильм» киноконцерни»нинг кино ишлаб чиқариш бўйича хизмат кўрсатувчи марказ сифатидаги замонавий моддий-техника базаси, технологик имкониятлари ва келгуси истиқболларига бағишланган тақдимотлар ўтказиш;

хорижлик ва маҳаллий кинокомпаниялар, киностудиялар ва телекомпаниялар иштирокида кинобозор ташкил қилиш, уларнинг фильмлар, сериаллар ва бошқа аудиовизуал маҳсулотларни ўзаро алмашиши, харид қилиши ва сотишига қўмаклашиш;

дунёда кино индустрияси соҳасида яратилган энг сўнгги инновацион лойиҳалар ва йирик стриминг платформалари вакиллари иштирокида миллий стриминг платформаси тақдимотларини ўтказиш;

мамлакатимиз кинолокацияларини намойиш этиш, Ўзбекистоннинг кино ва туризм соҳаларидаги салоҳиятини тарғиб қилиш ҳамда бу борадаги кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

4. Қўйидагилар:

«Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

«Ипак йўли дурдонаси» XIII Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

режалаштирилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бадий-ижодий гуруҳлар ва халқаро экспертлар кенгашларини тузиш;

халқаро кинофестивалларни ўтказиш бўйича катта тажрибага эга бўлган хорижий ташкилотларни Кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга шартнома асосида жалб этишни ташкил қилиш;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Кинофестивалнинг логотипи, эсдалик совғалари, диплом ва статуётка намуналарини, унинг дастури, тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ва бадиий дастурлари, харажатлар сметаси, иштирокчилари ва меҳмонлари рўйхатини тасдиқлаш;

Кинофестиваль ва унинг доирасидаги тадбирларни юқори савияда ўтказишга қаратилган бошқа комплекс тайёргарлик ишларини амалга ошириш.

6. Кинематография агентлиги, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Алишер Навоий номидаги кино саройи биносини Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази бошқарувига бериш ва унинг негизда «Киночилар уйи»ни ташкил қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

7. Белгилансинки:

а) Кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича:

Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази фаолиятига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ва доимий асосда ишлайдиган 9 нафар мутахассис жалб этилади;

мазкур мутахассислар меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Маданият вазирлиги ҳузуридаги Халқаро фестиваллар дирекцияси ходимларига тенглаштирилади;

б) Кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар:

2021 йилда — Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади;

2022 йилдан бошлаб, келгуси йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

хомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин;

в) 2022 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан Кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун йўналтириладиган маблағлар суммасига фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади, бунда мазкур чегириладиган харажатлар солиқ солинадиган базанинг 2 фоизидан ошмаслиги лозим;

г) гоёси ва мазмуни Кинофестиваль шиорига мос, жаҳон кинематографияси ривожига салмоқли ўринга эга бўлган, миллий қадриятлар ва маданиятларни ўзида ёрқин акс эттирган фильмларнинг ижодкорлари халқаро экспертлар кенгаши томонидан диплом, рамзий ҳайкалча ва ҳар бири 20 минг АҚШ долларидан иборат бешта пул мукофоти билан тақдирланади;

д) Осие қитъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар ёш киноижодкорларининг қисқа метражли фильмлари фестивали ғолиблари диплом ва қуйидаги миқдорларда пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун — 15 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун — 10 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун — 7 000 АҚШ доллари.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йиллар Инвестиция дастури доирасида «Ўзбекфильм» киноконцерни» ҳудудидаги Ўзбекистон Кинематография академияси биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлашни таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) билан биргаликда 10 кун муддатда ҳудудларда Кинофестиваль тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чоратадбирлар режасини тасдиқласин, шунингдек, унда белгиланган вазифаларни 2021 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилишини таъминласин. Бунда, жумладан қуйидагиларни назарда тутсин:

Кинофестиваль дастурида белгиланган тадбирларни юқори даражада ўтказиш билан боғлиқ тегишли харажатларни Кинофестиваль харажатлар сметасига асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш;

ҳудудлардаги кинотеатрлар ва тадбир ўтказиладиган объектлар, уларга туташ ҳудудлар ва олиб борадиган йўлларда таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда Кинофестиваль доирасида фильмлар намойиш этишга тайёрлаш.

10. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Кинематография агентлиги билан биргаликда Кинофестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ва бошқа тадбирларида концерт-томоша дастурларини ташкил қилсин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов):

а) Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) билан биргаликда Кинофестивалга:

меҳмонлар ва иштирокчиларни Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали таклиф этишни таъминласин;

БМТ, МДХ, ШХТ, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, FIAPF ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари вакилларини таклиф этсин;

б) Кинофестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Кинематография агентлигининг талабномаларига асосан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) билан биргаликда:

маҳаллий ва хорижий инвесторларни Кинофестивалга жалб этиш учун «инвестиция пакетлари»ни шакллантириш;

«инвестиция пакетлари» доирасида инвесторларга таниқли кино юлдузларини таклиф этиш ва улар иштирокида ўзларининг реклама ва тарғиботларини ташкил қилиш бўйича кенг шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар давлат тасарруфидаги видеоэкранлар ва билборд кўринишидаги ташқи реклама объектларида берилаётган реклама вақтининг 2021 йил 1 июнь — 1 сентябрь кунлари 5 фоизи, 2021 йил 1 сентябрь — 3 октябрь кунлари 10 фоизи Кинофестивални тарғиб қилиш учун ажратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Дунё» ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига Кинофестиваль фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Кинофестиваль харажатлар сметаси доирасида хорижий оммавий ахборот воситаларида унинг рекламаси ва тарғиботини ташкил қилсин.

15. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Миллий гвардия (Р.М. Джураев) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х. Қўлдошев) Кинофестиваль тадбирлари, меҳмонлари ва иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) Кинофестиваль ўтказиладиган жойларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин, тадбирлар ўтказиладиган вақтда санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

17. Давлат божхона кўмитаси (М.Б. Азимов) Кинофестиваль иштирокчиларини ҳамда уларнинг юкларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун божхона расмийлаштирувини белгиланган тартибда тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухақимов ва Кинематография агентлиги бош директори Ф.Ф. Абдухаликов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 июнь,
ПҚ-5151-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**349 Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида***

Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бошқарув органларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда кўп квартирали уй-жойларнинг умумий мол-мулкани сақлаш, ундан самарали фойдаланиш ва уни таъмирлаш, уларга туташ ер участкасини ободонлаштириш ишларининг изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 1 июлга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1-иловага** мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар жойлашган ҳудудларини очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш (кейинги ўринларда — бириктирилган ҳудуд) юзасидан лойиҳани амалга ошириш (кейинги ўринларда — лойиҳа) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудда:

а) танланган бошқарувчи ташкилотга қўйидаги вазифалар юклатилади: шартномаларга асосан барча кўп квартирали уй-жойларни бошқариш, шунингдек, якка тартибда қурилган уйларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларга (объектларга) коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатиш;

тегишли ҳокимлик билан тузилган шартномага асосан ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш;

24 соат мобайнида фаолият юритадиган диспетчерлик ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматини ташкил этиш;

б) барча давлат буюртмачиларига танланган бошқарувчи ташкилот билан бириктирилган ҳудудда истисно тариқасида танлов ўтказмасдан коммунал ва авария вазиятларини бартараф этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузиш рухсат этилади;

в) якка тартибда қурилган уйлар мулкдорлари, хусусий ташкилотлар вакиллари томонидан танланган бошқарувчи ташкилот билан шартнома ихтиёрий равишда тузилади;

г) бошқарувчи ташкилотга бириктирилган ҳудудда муҳандислик тармоқлари ҳамда коммуникацияларини қуриш ва ўзгартириш ишлари бошқарувчи ташкилотга маълум қилган ҳолда амалга оширилади.

3. Қўйидагилар:

2022 — 2025 йилларда кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича режа кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш бўйича режа кўрсаткичлари 3-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июнда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

республика бўйича эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган кўп квартирали уй-жойларни инструментал ўрганиш ва реновация қилиш бўйича режа кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб уй-жой мулкдорларининг ширкати, бошқарувчи ташкилот ва бошқарувчи, бевосита бошқарувчи (кейинги ўринларда — бошқарувчилар) томонидан ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилиши шарт;

б) мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш мазкур уй-жойларни таъмирлаш ишлари умумий смета қийматининг:

30 фоизи ҳажмидаги маблағлар мулкдорлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда мазкур маблағлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасида кўп квартирали уй-жойларни таъмирлашни молиялаштириш учун очиладиган махсус ҳисобварағида (кейинги ўринларда — Махсус ҳисобварақ) шакллантирилади;

70 фоизи ҳажмидаги маблағлар тенг улушларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ шакллантириладиган рўйхатдаги уй-жойларни таъмирлаш умумий смета қийматининг 30 фоизини кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари ҳисобидан жамғариб борилишини ташкил этсин.

6. Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Махсус ҳисобварағига йўналтириш учун кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш чора-тадбирларини амалга оширишга жорий йилда 100 миллиард сўм ажратсин.

Белгилансинки, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоят, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш ишлари учун ажратилаётган маблағларнинг самарали ва манзилли ишлатилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) мулкдорлар ёки бошқарувчиларга кўп квартирали уй-жойларга тугаш ер участкалари чегаралари ва ўлчамларини белгилаш ҳамда уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи зарур ҳужжатларни, шу жумладан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловларни бир йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади;

б) бошқарувчилар бир йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкциялар (умумий мол-мулк) бутлигини хатловдан ўтказиши ва Уй-жой фонди инспекциясига маълумот киритиб боради;

в) бошқарувчи ҳар ярим йилда мажбурий бадалларнинг тушуми ва кўп

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

квартирالي уй-жойни бошқариш бўйича харажатлар тўғрисида мулкдорларга ҳисобот бериб боради;

г) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирالي уй-жойни бошқариш биринчи икки йилда қурувчи томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур муддатга кўп квартирالي уй-жой эксплуатациясининг кафолат муддати жорий қилинади. Бунда:

қурувчи томонидан мазкур вазифани амалга ошириш учун шартномага асосан бошқарувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин;

биринчи икки йил ичида кўп квартирالي уй-жойдаги қурувчидан ташқари мулкдорларнинг сони эллик фоиздан ошган тақдирда мулкдорлар томонидан белгиланган тартибда умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ кўп квартирالي уй-жойни бошқариш усули танланади;

д) ҳар бир кўп квартирالي уй-жойнинг кадастр паспортида кўп квартирالي уй-жойга туташ ер участкаси тўғрисида маълумотлар, шунингдек, ер майдонининг кадастр режаси ҳамда умумий мол-мулкнинг рўйхати, номи, майдони ва/ёки ҳажми мажбурий тартибда бўлиши шарт. Бунда маълумотлар кўп квартирالي уй-жойнинг лойиҳа ҳужжатлари асосида тайёрланиши мумкин;

е) кўп квартирالي уй-жойдаги умумий мол-мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тегишли ҳудуддаги бошқарувчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади;

ж) 2022 йил 1 январдан бошлаб нотариал идоралар томонидан мулкдорларнинг бошқарувчи олдида қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, унинг миқдори уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштиришда тегишли шартномада акс эттирилади ва янги мулкдор ушбу қарздорлик ҳақида огоҳлантирилади;

з) кўп квартирالي уй-жойларда истиқомат қилувчи, Молия вазирлиги томонидан олиб бориладиган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари, «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

и) кўп квартирالي уй-жойдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмларини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги умумий улушли мулкнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган тақдирда мулк ҳуқуқининг вужудга келишини ва бошқа шахсга ўтишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлади;

к) қуйидаги масалалар бўйича умумий йиғилишнинг қарори, агар уни ёқлаб уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоиздан кўпроғи овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади:

кўп квартирالي уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш;

мулкдорлар амал қилиши мажбурий бўлган кўп квартирالي уй-жойларда умумий мол-мулкни бошқаришнинг талаб ва қоидаларини тасдиқлаш;

кўп квартирали уй-жой учун қарз ва кредитларни жалб қилиш.

8. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 августга қадар лойиҳа доирасида бириктирилган ҳудудлар, 2022 йил 1 январга қадар эса бутун республика ҳудудларида кўп квартирали уй-жойга хизмат кўрсатиш жараёнига уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизимини жорий қилсин;

2021 йил 1 октябрга қадар кўп квартирали уй-жойларни бошқарувчиларнинг электрон реестрини шакллантирсин ва ишга туширсин.

9. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Қурилиш вазирлигининг Уй-жой фонди инспекциясига қуйидаги ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

кўп квартирали уй-жойдаги мулкдор томонидан олиб борилаётган қайта қуриш ва қайта режалаштириш ишлари ҳолатини назорат қилиш мақсадида, ушбу уй-жой мулкдорлари ва (ёки) бошқарувчилардан келиб тушган мурожаатга асосан мазкур ишларни олиб бораётган мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар ёки нотурар жойга бошқарувчи билан бирга кириш;

уй-жой мулкдорларининг мурожаатларига асосан умумий йиғилишларнинг ўтказилишини ва ҳисоботларнинг мулкдорларга ўз муддатларида бериб борилишини ўрганиш.

Уй-жой фонди инспекцияси қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилган кўп квартирали уй-жой объектларини (якка тартибдаги уй-жойлар бундан мустасно) ва унга туташ ҳудудларни ҳамда кўп квартирали уй-жойлардаги муҳандислик ускуналарининг реконструкция қилинган тизимларини ўрганиш давомида қурилиш (реконструкция) лойиҳасидан четга чиқиш ҳолатлари бўйича аниқланган камчиликлар ёки ушбу объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан айбдор шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга доимий равишда тақдим этиб борсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 июлдан бошлаб кўп квартирали уй-жойларни бошқариш усули ширкатлардан бошқарувчи ташкилотларга ўтган уй-жойлар учун жалб қилинган кредитларнинг муддатини, маҳаллий ҳокимликлар кафиллиги асосида, уч йилгача узайтириш чораларини кўрсин.

11. Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали танлов (тендер) ўтказмасдан соҳани ислоҳ қилиш, шу жумладан биллинг тизимини ишлаб чиқиш учун маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилишга руҳсат берилсин.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари Н.Т. Назиров белгилансин.

Қарорнинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиш, ижро учун масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 июнь,
ПҚ-5152-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 19 июндаги
ПҚ-5152-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«кўп хонадонли уй-жойни капитал таъмирлаш дастурларига кўп хонадонли уй-жой мулкдорлари томонидан уй-жой биносини капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг камида 30 фоизи ҳажмида молиялаштирилган уйлар киритилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сон қарорига:

а) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Белгилансинки, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарув ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга

ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти марказий аппаратда — 2 бараварга, Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаларида — 1,5 бараварга, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимларида — 1,3 бараварга оширилган миқдорда қўлланилади.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади»;

б) 8-иловада:

7-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи — ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, зарурий техника, мебель, алоқа воситалари, компьютер ва бошқа ташкилий техника воситалари билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ходимларининг хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий хизмат сафарлари; уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

вазирликнинг коммунал харажатлари билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига консалтинг ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан мутахассисларни, жумладан, маҳаллий ва хорижий маслаҳатчиларни жалб қилиш»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондиди сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2922-сон қарорида:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидан «бухгалтерлик ҳисобини юритиш,» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги «Кўп квартиралли уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПҚ–4732-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «Электрон рўйхатга киритилмаган қурилиш мажмуаларини реклама қилиш тақиқланади»;

б) илованинг 18-банди ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддати (икки йилдан кам бўлмаслиги лозим)».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

350 Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларини рақамлаштириш, давлат ахборот тизимлари ва электрон хизматларни жорий этиш, шунингдек, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича халқ таълими, давлат хизматлари, суд, молия ва банк тизимида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини самарали рейтинг баҳолаш тизими ҳамда уни амалга оширишнинг идоралараро механизмининг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни рақамли трансформацияси ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ривожланиш ҳолатини баҳолашнинг ягона рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш орқали келгусида рақамли ривожланишнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш учун баҳолаш жараёнларини идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), «Ўзкомназорат» давлат инспекцияси ҳамда «Киберхавфсизлик маркази» ДУКнинг илмий доиралар ва хорижий экспертлар иштирокида қуйидагилар:

а) давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда — ташкилотлар) ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш методикаси ишлаб чиқилганлиги ва 2020 йил якуни бўйича қуйидагиларни баҳолашни назарда тутувчи апробацияси ўтказилганлиги:

ташкилотлар фаолиятида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, шу жумладан, уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларининг самарали ишлаши, электрон ўзаро таъсирини ташкил этиш, бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, шунингдек, киберхавфсизлик ва давлат органлари маълумотларининг очиқлигини таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июнда эълон қилинган.

худудлар кесимида рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги, шу жумладан соҳада рақамли инфратузилмани ривожлантириш, электрон хизматларни жорий этиш, рақамли таълимни ривожлантириш ва бошқалар;

б) ташкилотлар ҳамда худудларни рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш жараёнларини автоматлаштириш учун NIS.UZ идораларо ахборот тизими (кейинги ўринларда — NIS.UZ-ахборот тизими) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

ташкilotларда ҳамда худудларда рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш натижаларини умумлаштириш, шунингдек, рейтинг баҳолашни амалга оширишда иштирок этадиган тегишли давлат органлари ҳамда уларнинг ишларига умумий раҳбарлик ва мувофиқлаштириш Вазирлик томонидан амалга оширилади;

NIS.UZ-ахборот тизимининг эгаси Вазирлик ҳисобланади ҳамда унинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши, техник қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни доимий равишда ўтказиб борилиши Вазирлик томонидан таъминланади;

NIS.UZ-ахборот тизимини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идораларо лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағидаги маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

ташкilotлар ҳамда худудларда рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш ҳар уч ой якунлари бўйича амалга оширилади ва унинг натижалари «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади;

ташкilotлар томонидан нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг NIS.UZ-ахборот тизимига киритилганлиги, шунингдек, уларни ўз вақтида киритилмаганлик ҳолатлари аниқланганда, тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилади.

3. Рейтинг баҳолашни амалга оширишда қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

ташкilotлар ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 15 санасига қадар NIS.UZ-ахборот тизимига ишончли маълумотларни ўз вақтида киритилишини таъминлайдилар;

Вазирлик баҳолашда иштирок этадиган масъул давлат органлари билан биргаликда ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар NIS.UZ-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида баҳолаш ўтказида ҳамда ушбу ойнинг 30 санасига қадар баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

«Ўзкомназорат» давлат инспекцияси алоҳида график асосида NIS.UZ-ахборот тизимига ташкilotлар томонидан киритилган маълумотларнинг

тўғрилиги ва тўлиқлигига мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ва текширишлар олиб боради.

4. Қўйидагилар:

Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришни баҳолаш, соҳа кўрсаткичлари ҳисобини юритишни самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 июнь,
373-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 июндаги 373-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва
маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда
ҳудудларни рақамли трансформация ҳолатини
рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида (кейинги ўринларда — ташкилотлар) ҳамда ҳудудларни рақамли трансформацияси ҳолатини рейтинг баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рейтинг баҳолаш — рейтинг кўрсаткичлари ва индикаторлари ёрдамида рақамли ривожланиш ҳолатини баҳолаш орқали ташкилотлар ҳамда ҳудудларни энг юқори натижадан энг паст натижагача сараланган рўйхатдаги ўрнини белгилаш;

NIS.UZ-ахборот тизими — ташкилотлар ва ҳудудларнинг рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш жараёнларини автоматлаштириш учун қўлланиладиган идоралараро ахборот тизими;

индикатор — ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳоланиши лозим бўлган асосий кўрсаткич;

ҳудудлар — баҳоланадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда уларнинг таркибига кирувчи туман ва шаҳарлар.

3. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш ушбу Низом 1-илоvasидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Рейтинг баҳолашга оид асосий индикаторлар

4. Рейтинг баҳолаш қуйидаги индикаторлар асосида амалга оширилади:

4.1. Очиқлик ва электрон иштирок

4.1.1. Расмий веб-сайтдан фойдалана олиш ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

4.1.2. Ижтимоий тармоқлардаги фаоллик;

4.1.3. Оммабоп мессенжерлардаги фаоллик;

4.1.4. Очиқ маълумотлар тўпламлари;

4.1.5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифларни қайта ишлаш сифати;

4.1.6. Онлайн-маслаҳатчининг фаолият кўрсатиши;

4.1.7. Ишонч телефони орқали келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши.

4.2. Электрон хизматлар

4.2.1. Электрон давлат хизматлари улуши;

4.2.2. Мобил иловалар орқали фойдаланиш мумкин бўлган электрон давлат хизматлари улуши;

4.2.3. Электрон давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш;

4.2.4. Электрон хизматлар кўрсатилишини кузатиш;

4.2.5. Электрон хизматларини кўрсатиш сифати.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4.3. Ахборот хавфсизлиги

4.3.1. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганлиги;

4.3.2. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ташкилий ва техник чоралар кўрилганлиги.

4.4. Ахборот тизимлари

4.4.1. Ташкилот фаолиятида фойдаланиладиган ахборот тизимлари, шу жумладан, ички жараёнларни ташкил қилишда фойдаланиладиган, ихтисослашган ахборот тизимлар;

4.4.2. Моддий-техника ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида фойдаланиладиган ахборот тизимлари.

4.5. Ташкилий қисм

4.5.1. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш;

4.5.2. Келгуси йиллар учун рақамли ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги.

3-боб. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги индикаторларини ҳисоблаш ва рейтинг баҳолаш

5. Рейтинг баҳолаш индикаторлар кесимида қуйидаги масъул давлат органлари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги — 4.1.1 — 4.1.3 индикаторлар бўйича;

Давлат статистика қўмитаси — 4.1.4 индикатори бўйича;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Ахборот технологиялари вазирлиги) — 4.1.5 — 4.1.7, 4.4 ва 4.5 индикаторлар бўйича;

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги — 4.2 индикатор бўйича;

«Киберхавфсизлик маркази» ДУК — 4.3 индикатор бўйича.

6. Рейтинг баҳолаш индикаторларини ҳисоблаш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган ташкилотларда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш лойиҳаларининг амалга оширилишини рейтинг баҳолаш бўйича методикасига мувофиқ NIS.UZ-ахборот тизими орқали амалга оширилади.

7. Индикаторларни ҳисоблашда расмий статистик ва таҳлилий маълумотлардан фойдаланилади.

8. Расмий статистик ва таҳлилий маълумотлар ушбу Низомнинг 1-ило-васида келтирилган Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳал-лий ижро этувчи ҳокимият органларида рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш схемасига асосан ташкилотлар ҳар ҳисобот даври якуни-дан кейинги ойнинг 15 санасига қадар NIS.UZ-ахборот тизимига киритади-лар.

9. Ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган масъул давлат органлари ташкилотлар томонидан NIS.UZ-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида рейтинг баҳолашни амалга ошириб, натижаларини ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар умумлаштириш учун Ахборот технологиялари вазирлигига киритадилар.

10. Ахборот технологиялари вазирлиги ташкилотларда ахборот-комму-никация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорли-гини рейтинг баҳолаш якунларини умумлаштиради, рейтингни шаклланти-ради ҳамда таҳлилий маълумотларни ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 30 санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.

11. Рейтинг баҳосининг натижалари «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади.

12. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривож-лантириш самарадорлиги даражаси аниқланган индикаторларнинг миқдорига қараб, 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга ажратилади.

13. Индикаторларни рейтинг баҳолаш натижаларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самара-дорлиги даражаси рейтинг бали бўйича:

71 баллдан 100 баллгача бўлган ташкилот — «яшил»;

55 баллдан 71 баллгача бўлган ташкилот — «сарик»;

55 баллдан паст бўлган ташкилот — «қизил» деб топилади.

4-боб. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш

14. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли ташкилотда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самара-дорлиги даражасига кўра Ахборот технологиялари вазирлигининг таклифига асосан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссияси баёни билан:

ҳисобот йилида «яшил» деб топилган ташкилотлар раҳбарлари ва улар-нинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарлари кейинги ҳисобот даври учун рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилингунига қадар ҳар ойда лавозим маошларининг 30 фоизи миқдорида рағбатлантирилади;

ҳисобот йилида икки марта «қизил» деб топилган ташкилотлар раҳбар-лари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига қонунчиликда

белгиланган тартибда жарима қўлланилади ёки жарима қўллаш ҳақида таклиф киритилади.

15. Рейтинг баҳолаш яқунлари бўйича ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси «яшил» деб топилган ташкилотларнинг ижобий иш тажрибаси бошқа ташкилотлар ўртасида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

5-боб. Худудларнинг рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш

16. Худудларнинг рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

17. Худудларнинг рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагиларнинг ҳолатини тавсифловчи индикаторларни ҳисоблаш асосида аниқланади:

17.1. Телекоммуникацион инфратузилма

Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан қамров даражаси;

Кенг полосали мобил алоқа тармоғи билан қамров даражаси;

Оптик толали алоқа линиялари билан қамраб олинганлик улуши;

Симсиз Wi-Fi уланиш нуқталарининг улуши;

Телекоммуникация хизматларининг сифати.

17.2. Рақамли иқтисодиёт

Электрон тижорат субъектларининг сони;

Электрон счет-фактурадан фойдаланган хўжалик корхоналарининг улуши;

Онлайн назорат-касса машиналарига уланган хўжалик корхоналарининг улуши;

Электрон тижорат айланмаси;

Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотдаги ахборот технологиялари ва коммуникация тармоғининг улуши;

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида товарлар ва хизматларнинг экспорт ҳажми;

Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи — ИТ-компаниялар улуши;

Электр ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган «ақлли» ҳисоблагичлар улуши;

Сув омборлари, вилоят ва туманлараро ирригация тизимлари, туман ирригация тизимларида автоматлаштирилган қурилмаларни ўрнатиш;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилган хизматлар улуши;

Бозор хизматлари тузилмасида ИТ-хизматлар улуши;

ИТ-парк резидентлари улуши.

17.3. Ижтимоий объектларда тармоқ технологиялардан фойдаланиш

Ижтимоий объектларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлик улуши;

Ижтимоий объектларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ҳақиқатда фойдаланиши улуши;

Ижтимоий объектларнинг иқтисодий аҳамиятга эга ахборот тизими комплексларига уланганлиги улуши.

17.4. Рақамли таълим

Ходимларини АКТ соҳасида малакасини оширган корхоналар улуши;
Мактабларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича дипломга эга информатика ўқитувчилари билан таъминланганлиги;

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишловчи ходимларнинг улуши;

Рақамли технологиялар ўқув марказларининг мавжудлиги;

Рақамли технологиялар ўқув марказлари курслари битирувчилари сони;
«Бир миллион дастурчи» дастурида иштирок этганлар улуши.

6-боб. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолашни амалга ошириш умумий тартиби

18. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланадиган Ҳудудларнинг рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш методикасига мувофиқ NIS.UZ-ахборот тизими орқали амалга оширилади.

19. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашда расмий статистик ва таҳлилий маълумотлардан фойдаланилади.

20. Расмий статистик ва таҳлилий маълумотлар ушбу Низомнинг 2-илова-сида* келтирилган Ҳудудларнинг рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолашни амалга ошириш схемасига асосан масъул давлат органлари томонидан ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 15 санасига қадар NIS.UZ-ахборот тизимига киритилади.

21. NIS.UZ-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида Ахборот технологиялари вазирлиги томонидан ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар рейтинг баҳолашни амалга оширади.

22. Ахборот технологиялари вазирлиги ҳудудларни рейтинг баҳолаш якунлари асосида рейтингни шакллантиради ҳамда таҳлилий маълумотларни ҳар ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 30 санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.

23. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш натижалари ҳисоблаш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади.

24. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш даражаси аниқланган индикаторлар-

нинг миқдорига қараб 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, «қизил», «сарик» ва «яшил» деб топилди.

25. Индикаторларни баҳолаш натижаларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси рейтинг бали бўйича:

71 баллдан 100 баллгача бўлган ҳудуд — «яшил»;

55 баллдан 71 баллгача бўлган ҳудуд — «сарик»;

55 баллдан паст бўлган ҳудуд — «қизил» тоифаларга ажратилади.

26. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражасига кўра Ахборот технологиялари вазирлигининг таклифига асосан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссияси баёни билан:

ҳисобот йилида «яшил» деб топилган ҳудудлар раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарлари кейинги ҳисобот даври учун рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилингунига қадар ҳар ойда лавозим машоққатларининг 30 фоизи миқдориди рағбатлантирилади;

ҳисобот йилида икки марта «қизил» деб топилган ҳудудлар раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига қонунчиликда белгиланган тартибда жарима қўлланилади ёки жарима қўллаш ҳақида таклиф киритилади.

27. Рейтинг баҳолаш яқунлари бўйича ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси «яшил» деб топилган ташкилотларнинг ижобий иш тажрибаси бошқа ташкилотлар ўртасида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Ахборот технологиялари вазирлиги зарурат бўлганда, рейтинг кўрсаткичлари рўйхати ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

29. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 июндаги 373-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва
маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг
расмий веб-сайтига қўйиладиган
АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

**1-боб. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва
маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий
веб-сайтида жойлаштириш учун мажбурий бўлган
ахборотлар рўйхати**

1. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг расмий веб-сайтида (кейинги ўринларда — расмий веб-сайт) жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотларга қуйидагилар киради:

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг ҳуқуқий мақомини, шу жумладан, унинг таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, вазифалари ва функцияларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини, шу жумладан, тартиб-таомиллар, давлат хизматларини ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш муддатлари ва қийматини тартибга солувчи ҳужжатлар (чекланган ҳолда тарқатиладиган ва тижорат сири мавжуд бўлган ҳужжатлар бундан мустасно);

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари фаолиятига тааллуқли янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга);

жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

олдин давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумат ҳамда давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган дастурлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг бўлажак ва ўтказилган оммавий тадбирлари (маж-

лислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, кундалик фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи иштирок этадиган халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи фаолияти соҳасига кирадиган тармоқнинг ҳолатини, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ривожланиш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи, унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

расмий веб-сайтнинг ахборот материалларидан фойдаланишда унга ҳаволалар мажбурий кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби лойиҳалари, шунингдек, сана, вақт, ўтказиш жойи ва уларда қатнашиш тартиби кўрсатилган ҳолда очиқ мажлислар ўтказиш режалари;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи расмий веб-сайтда жойлаштириш зарур деб ҳисоблайдиган бошқа умумий фойдаланиладиган ахборотлар ва маълумотлар;

сайтдан фойдаланиш, шунингдек, сайтдаги мавжуд атамаларнинг аҳамияти бўйича йўриқнома.

Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритиш учун қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган статистик ва бошқа ахборотлар.

2. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти томонидан мулкдор (муассис, акциядор, иштирокчи) функциялари амалга оширилганда улар томонидан ушбу давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капитали, давлат улуши, ҳар чорак ва йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, иш ўринлари сони, бошқарув ва назорат органлари тарки-

би тўғрисидаги маълумотлар (чекланган ҳолда тарқатиладиган ва тижорат сири мавжуд бўлган хужжатлар бундан мустасно) ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

3. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан расмий веб-сайт орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари рўйхатига қуйидагилар мажбурий тартибда тақдим этилади:

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш кунлари, шунингдек соатлари);

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи ва унинг бўлинмаларининг (шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлинмаларининг) телефон рақамлари ва манзилли реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари ва жамоат транспорти рақамлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган шакллар ва бланкалар, шунингдек бошқа ахборот (банк реквизитлари, манзиллар ва шу кабилар), шунингдек давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг эркин кўчириш учун статистика ҳисоботи;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари, шикоятлари давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисида маълумот олишга сўровлари ва бошқа мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот тусидаги шарҳлар, йил чораги ва йиллик ҳисоботлар, шунингдек тармоқнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи раҳбарларининг расмий нутқлари ва баёнотлари матнлари;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг статистик ахборотлари;

Интернет тармоғидаги бошқа тегишли веб-сайтларга ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ҳаволалар;

тескари алоқа қилиш имкониятлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботлари, хатлари, аризалари, шикоятларини давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисида маълумот олишга сўровлари ва мурожаатларининг бошқа шакллари қабул қилиш (электрон рақамли имзодан фойдаланишга қараб);

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи

ҳокимияти органининг матбуот хизмати тўғрисидаги маълумотлар (масъул ходимлар билан алоқага киришиш тўғрисидаги маълумотлар);

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати;

«Электрон давлат хизматлари» ва «Очиқ маълумотлар» алоҳида бўлимлари;

электрон почта орқали ҳамда эълонлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммавий автоматлаштирилган форматлари (шу жумладан, SMS юбориш йўли билан) орқали расмий веб-сайтни янгилашга ёзилиш имконияти;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг «Электрон ҳукумат» тизимида қатнашиши, унинг роли ва қатнашиши хусусияти, шунингдек ушбу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар (қандай давлат хизматлари кўрсатилади, қандай маълумотлар айирбошланади ва шу кабилар) тўғрисидаги маълумотлар;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тез-тез бериладиган саволларига жавоблар;

уларни кўрсатиш давлат органи ваколатига кирадиган давлат хизматлари кўрсатилган ҳолда давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестридан кўчирма ёки бундай ахборот мавжуд бўлган Давлат хизматлари ягона реестрига ҳавола.

4. Расмий веб-сайтда бошқа манбалардан ахборотларни жойлаштиришга фақат ахборот манбаи кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.

2-боб. Расмий веб-сайтни юритишга қўйиладиган талаблар

5. Расмий веб-сайтда жойлаштирилган асосий ахборотлардан фойдаланиш эркин ва бепул бўлиши керак.

Электрон давлат хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пулли асосда кўрсатилиши мумкин.

6. Расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборотларнинг санаси кўрсатилиши ва улар мунтазам янгиланган борилиши керак. Ахборотларни янгиланган бориш муддати давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи томонидан белгиланади, бироқ ахборотлар бир ҳафтада камида бир марта янгиланиб бориши керак.

Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) ўзларининг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечикмай жойлаштиришга мажбурдир.

7. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи раҳбарнинг буйруғи билан расмий веб-сайтдаги ахборотларни шакллантириш, жойлаштириш, шунингдек, янгиланган бориш учун масъул бўлган шахсларни (бўлинмани) белгилайди.

8. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг расмий веб-сайти Интернет тармоғидаги «.UZ» домен зонасида ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида серверда жисмоний жойлаштирилиши керак (хостинг).

9. Расмий веб-сайтдаги ахборотлар давлат тилида тақдим этилиши керак. Расмий веб-сайт ахборотлари бошқа тиллардаги версияга эга бўлиши мумкин.

10. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборотларнинг йўқ қилиниши, тўсиб қўйилиши, бузиб талқин қилиниши, қалбакилаштирилишининг ҳамда бошқа шакллардаги рухсатсиз аралашувларнинг олдини олиш бўйича тегишли муҳофаза чора-тадбирларини кўриши керак.

11. Барча давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жорий этиш учун мажбурий бўлган асосий функцияларга қуйидагилар тегишлидир:

веб-сайт бўйича кенгайтирилган излаш, шунингдек бошланғич излаш натижаси асосида чуқур излаш вазифалари;

мобил қурилмалар учун адаптация қилинган дизайнли веб-сайт версияси;

имкониятлари чекланган шахслар учун қўшимча қулайликларни тақдим этиш (контрастни қўшиш, шрифтни катталаштириш, овоз жўрлиги функциялари ва бошқалар);

веб-сайтга хавфсиз киришни тақдим этиш (махфий ахборотни узатишни ёки пулли хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи сайтлар учун);

фуқаролар мурожаатларининг кўриб чиқилиши ҳолати ва вақтини, шунингдек электрон давлат хизматлар кўрсатиш ҳолатини кузатиб бориш, шу жумладан электрон почтага ва/ёки аризачининг мобил телефонига билдиришномалар юбориш;

муҳокама қилиш режимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш воситалари ва давлат органи фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилиш (онлайн-сўровлар, блоглар, форумлар, онлайн-чат);

киришларни назорат қилиш ва статистика воситалари;

веб-сайт орқали хизматлардан фойдаланишнинг ҳисобини юритиш механизми.

12. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жорий этиш учун мажбурий бўлган асосий функцияларга қўшимча равишда қуйидагилар тегишлидир:

ерни эгалик қилиш, фойдаланиш учун бериш ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари, фуқароларга ижарага бериш тўғрисидаги ахборотлар;

дастлабки кўриб чиқиш ва масалаларни сессияга тайёрлаш бўйича доимий ва вақтинчалик комиссияларнинг рўйхати ва таркиби;

хокимларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлари реестри.

13. Тўғридан-тўғри ёки идоравий мансуб ташкилотлар орқали аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатувчи ёки товарларни сотувчи хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган давлат унитар корхоналари ўзларининг расмий веб-сайтларида мажбурий тартибда қуйидаги функцияларни назарда тутишлари керак:

товарлар ва хизматларнинг турлари ва қийматлари (тарифлари) тўғрисидаги тўлиқ ва долзарб маълумотларни қулай шаклда тақдим этиш;

Интернет тармоғи орқали товарлар ва хизматларга электрон ҳақ тўлаш ва тасдиқлаш имконияти.

14. Расмий веб-сайтлар орқали аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари қуйидаги имкониятларни назарда тутишлари керак:

мобил қурилмалар ёрдамида аризалар, декларациялар, сўровномалар, бланкалар ва бошқа зарур ҳужжатларнинг электрон шаклларини тўлдириш;

мобил қурилмалар ёрдамида жарималар, солиқлар, давлат божлари ва бошқа тўловларга онлайн ҳақ тўлаш;

хизматлар кўрсатишга сўровни расмийлаштиришда (шаклларни тўлдиришда) ҳужжатларнинг электрон версияларини бириктириш.

3-боб. Расмий веб-сайтнинг таркибига қўйиладиган талаблар

15. Расмий веб-сайт ахборотлари таркиби унинг фаолияти ҳолисона ёритилишини таъминлаши керак.

16. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак. Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органи раҳбарлари расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборотларнинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

17. Расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

18. Расмий веб-сайтда давлат сирларига, хизматда фойдаланишга тааллуқли ва қонун ҳужжатлари билан эълон қилиш ва тарқатиш тақиқланган бошқа ахборотлар бўлмаслиги керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 15 июндаги 373-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва тарқатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги 183-сон қарорига илованинг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 мартдаги 74-сон қарорига илованинг 20-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2015 йил 27 июндаги 171-сон қарорига илованинг 59-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарорига 4-илованинг 8-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорининг 7-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 674-сон қарорининг 5-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**351** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институт ва солиқ техникумлари фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда давлат солиқ хизмати органлари тизими учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4879-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат солиқ қўмитаси) хузуридаги Малака ошириш маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институт (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилганлиги;

Фарғона, Тошкент ва Бухоро солиқ коллежлари 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Институт хузуридаги Фарғона, Тошкент ва Бухоро солиқ техникумлари (кейинги ўринларда — солиқ техникумлари) этиб қайта ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилиши инобатга олинсин:

Институтнинг бакалаврият таълим йўналиши кундузги таълим шакли бўйича ўқиш давомийлиги тўрт йил, сиртки таълим шакли бўйича беш йил этиб белгиланади;

Институтнинг магистратура мутахассисликлари кундузги таълим шакли бўйича ўқиш давомийлиги бир йил ҳамда масофавий, сиртки ва кечки таълим шакли ўқиш давомийлиги икки йил этиб белгиланади;

Институтнинг бакалаврият ва магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилишда тест синовларини очиқ ва ошкора ўтказиш, ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июлдаги 393-сон ва «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарорларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

давлат органларининг марказий аппаратидида солиқлар ва солиққа тортиш, молиявий назорат ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи, шунингдек иқтисодиётда ахборот технологиялари соҳаларида камида беш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимларни Институт магистратурасига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртки ва кечки таълим ўқитиш дастурлари бўйича ўқиши учун қабул қилиш тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра кириш тест синовларисиз, тўлов-шартнома асосида қабул параметрларидан ташқари амалга оширилади;

Институтда бакалавриятни имтиёзли тугатган битирувчилар, истисно тариқасида, Институт магистратурасига тест синовларисиз, тўлов-шартнома асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг давлат солиқ хизмати органларида камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилинади;

Давлат солиқ қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари тавсиясига мувофиқ «темир дафттар»га киритилган оилаларнинг фарзандлари бўлган ҳамда Институтга талабалikka тавсия этилган ёшлар учун халқаро молия ташкилотларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлов-шартномаси ёки субсидия ажратиш орқали молиялаштириладиган алоҳида қабул параметрларини белгилашга рухсат берилади.

3. Давлат солиқ қўмитасининг Институт фаолияти ва илмий ўқув жараёнини ташкил этиш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

таълим дастурларига, халқаро профессионал ассоциациялар ва бирлашмаларнинг малака сертификатлари бўйича касбий кўникмалар ва махсус билимларни ўзлаштиришга доир фанларни жорий этиш;

Давлат солиқ қўмитаси буюртмаси асосида давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари бўйича шартнома асосида раҳбар ва ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

Давлат солиқ қўмитасининг буюртмасига асосан солиққа тортиш ҳамда молиявий назорат соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқотлар олиб боришни жорий этиш.

4. Институт ректорига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин:

Институт истиқболли кундузги таълим битирувчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий ташкилотлари магистратура ва докторантурасида ўқиш қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни улар ўқишни тугатгандан сўнг Институтда камида беш йил узлуксиз ишлаш шarti билан амалга ошириш;

Институт ва солиқ техникумларининг иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларига стипендия ажратиш;

хорижий ва маҳаллий малакали мутахассисларни Институтда таълим жараёнларига консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этиш;

Институт ходимларини етакчи хорижий таълим муассасаларига ва бошқа ташкилотларга стажировка ўташ учун юбориш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) солиқ техникумлари битирувчилари, шунингдек Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги Фарғона, Тошкент ва Бухоро солиқ коллежларининг давлат солиқ хизмати органларида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган битирувчилари Институтнинг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб ўқишга қабул қилинади;

б) қуйидагилар солиқ техникумлари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Институт ва солиқ техникумларига ўз идораларидаги статистик, архив ва бошқа маълумотлардан (ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳолатлар бундан мустасно) фойдаланиш имкониятини яратсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Васийлик кенгашининг вазифалари ва ваколатларини белгилаш, фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш ҳамда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг Васийлик кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 июнь,
377-сон

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 июндаги 377-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институтнинг Васийлик
кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг (кейинги ўринларда — Институт) Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини тартибга солиди.

2. Кенгаш Институтнинг жамоатчилик органи бўлиб, юридик шахс ҳисобланмайди.

3. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини самарали амалга ошириш, таълим сифатини яхшилаш, Институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва таълим жараёнини такомиллаштириш Кенгашнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

5. Кенгаш таркибига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, хомийлар, шунингдек, Институт фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар кириши мумкин.

2-боб. Кенгаш вазифалари ва ваколатлари

6. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим жараёнини ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, Институт битирувчиларини келгусида ишлаб чиқариш, фан ва таълимни интеграциялашни ривожлантириш орқали ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш сифатини ҳамда илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширишни ташкил этиш;

келгусида меҳнат бозори ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрларни тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлашда Институтга қўмаклашиш;

мутахассислар тайёрлаш сифатига қўмаклашадиган истиқболли дастурларни молиялаштириш ва амалга ошириш;

Институтда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш, фундаментал (амалий) илмий-техник ишланмаларни амалга ошириш, ўқув ва илмий жараёнларни оқилона интеграциялаш;

талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришдаги амалий машғулотларини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги малакали ва тажрибали мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш;

Институт педагог кадрларининг меҳнат шaroитларини яхшилаш ҳамда уларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишларини ташкил этиш;

Институт фаолиятининг изчил ривожлантирилишини таъминлаш учун ҳомийлик хайрияларини, грантлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб этиш;

эҳтиёжманд талабаларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, иқтидорли талабаларга стипендиялар ажратиш, ижарада турувчи талабалар учун яшаш ва ҳордиқ чиқариш шaroитларини яхшилаш, шунингдек, таътиллер даврида талабаларнинг дам олишини ташкил этишга кўмаклашиш;

Институтни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, Институтнинг замонавий илмий лабораторияларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Институтда соғлом интеллектуал ва маънавий-психологик, педагоглар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамфикрлик муҳитини шакллантиришга, уларда касбий, маънавий, интеллектуал ва жисмоний такомиллашувга доимий интилишни тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

муаллифлик ўқув дастурлари, методик қўлланмалар, тавсияномалар, дидактик материаллар ҳамда бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва нашр этишга ҳомийлик қилиш;

иқтидорли талабаларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш бўйича таклифларни шакллантириш, улар учун махсус стипендиялар таъсис этиш;

Институтнинг профессор-ўқитувчилар таркиби, катта илмий ходимлари — изланувчилари ва талабалари учун халқаро тажриба алмашишни ташкил этишга кўмаклашиш.

7. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

Институтдан зарур маълумотлар ва ахборотларни белгиланган тартибда олади;

Кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

Институтнинг иш режаларини, тадбирлар режаларини, дастурларини ва бошқа ҳужжатларини муҳокама этишда қатнашади, уларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

Институтда кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар киритади, шунингдек, Институт ректорига Институт ходимлари ва талабаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида тавсияномалар тақдим этади;

Кенгашнинг маблағ тушумлари ва маблағларининг сарфланиши бўйича молиявий режани тасдиқлайди;

Кенгаш маблағлари бўйича молиявий режанинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади;

Кенгаш маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини текшириш учун назорат-тафтиш комиссиясини тайинлайди.

Кенгаш қонунчилик ҳужжатларига ва Институт уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

Кенгаш, қоидага кўра, Кенгаш раиси, раиснинг ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгашнинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Институт ректори лавозимига кўра Кенгаш котиби ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Кенгашга раислик қилади.

Кенгаш ўз ваколатларини Институт ректорига бериш ҳуқуқига эга эмас.

10. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилиши назорат қилинишини ташкил этади;

Кенгашнинг йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни Кенгашга тақдим этади;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда Кенгаш номидан вакиллик қилади;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Кенгаш раиси ўринбосарининг ваколатлари Кенгашнинг қарори билан белгиланади.

12. Кенгаш аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

Институтда таълим жараёнини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритиш;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулоса тақдим этиш.

Кенгаш аъзолари Кенгаш таркибида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадilar.

Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашиши керак. Бундай қатна-

шишнинг имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини Кенгашга ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

13. Кенгаш ўз мажлисларини заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказди. Кенгаш раиси томонидан унинг аъзоларининг ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин. Илтимосномаларда навбатдан ташқари мажлисни чақиришнинг сабаблари ва асослари баён қилиниши керак.

14. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса — Кенгаш раисининг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

15. Кенгаш мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, олий таълим муассасасининг ходимлари, айрим жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин.

16. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисларига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисларни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, кун тартиби лойиҳаси, мажлисни ўтказиш вақти ва жойидан хабардор қилади;

Кенгаш қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

17. Кенгаш ўз фаолиятини Институт ректори билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

18. Кенгаш қарори Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгаш аъзолари томонидан Институтга тақдим этилган маблағлар бўйича тушумлар ва сарфларнинг йиллик молиявий режасини, шунингдек, васийлик маблағларидан фойдаланилишини тасдиқлаш масалалари бўйича қарор Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

19. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмий-

лаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

20. Кенгаш баённомасининг асл нусхаси ва унинг материаллари Институтда сақланади.

Институт ректори Кенгаш ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

21. Кенгаш котиби Кенгаш аъзоларининг ёрдамида Кенгаш қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганади ва кўриб чиқади, зарурият бўлганда, Кенгаш раисига тегишли таклифлар киритади.

Кенгаш қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиши ҳолатини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

22. Кенгашнинг иш тартиби Кенгаш тасдиқлайдиган регламентда белгиланади.

5-боб. Васийлик маблағлари

23. Васийлик маблағлари вакиллари Кенгаш аъзолари ҳисобланадиган ташкилотларнинг, шунингдек, Кенгаш аъзоларининг хайриялари, ихтиёрий бадаллари шаклида Кенгаш томонидан Институтга жалб этиладиган қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар ҳисобига шакллантирилади.

Васийлик маблағлари мол-мулк, пул маблағлари, бошқа моддий ва номоддий активлар шаклида киритилади.

24. Васийлик маблағларидан Кенгашнинг мақсадлари, вазифалари ва ваколатларини амалга ошириш ва уларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин.

25. Васийлик маблағлари Институтнинг алоҳида ҳисобварағида жамланади ва улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.

26. Васийлик маблағлари сарфланишининг йўналиши, мақсади ва ҳажми Кенгаш мажлисида тасдиқланади.

Васийлик маблағлари сарфининг молиявий режасига Институтдаги Кенгаш фаолияти билан боғлиқ жорий харажатлар киритилади.

27. Васийлик маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси Кенгашнинг қарори асосида Институт ректори томонидан тасдиқланади.

Заруратга кўра васийлик маблағлари харажатлар сметасига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

28. Васийлик маблағларининг бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши, маблағлар зарур тарзда расмийлаштирилиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш учун Институтнинг ректори ва бош бухгалтери жавоб беради.

Васийлик маблағларининг жорий йилда фойдаланилмаган қолдиғи олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтади.

29. Кенгаш васийлик маблағларидан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга оширади.

Назоратни амалга ошириш учун Кенгашнинг назорат-тафтиш комиссияси тайинланади.

Кенгаш назорат-тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзоларини тайинлаш тартиби, уларнинг ваколатлари муддатлари ва тафтишларни ўтказиш даврийлиги Кенгаш қарори билан белгиланади.

30. Кенгашнинг назорат-тафтиш комиссияси бир йилда бир марта васийлик маблағлари ҳисобига амалга оширилган сарф-харажатларни тафтиш қилади ҳамда васийлик маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилганлиги юзасидан Кенгаш олдида ҳисобот беради.

31. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

6-боб. Кенгаш фаолиятини тугатиш

32. Кенгаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тарқатиб юборилади.

33. Кенгаш тарқатиб юборилган тақдирда, унинг васийлик маблағларини бошқариш бўйича ваколати вақтинча Институтнинг Кенгашига берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 июндаги 377-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 14 июлдаги 298-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

352 «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-сон ва 39-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 461-модда; 2010 й., 40-41-сон, 348-модда; 2014 й., 22-сон, 262-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2018 й., 10/18/2020-3/2061-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 июнь,
13-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Департамент бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 июнь,
19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги
13-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2021 йил 10 июндаги
19-сон қарорига
ИЛОВА

**«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорда:

а) номи ва муқаддимадаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги, 5-банддаги, 26¹-банддаги, 33-банднинг биринчи хатбошидаги, 34¹ ва 35-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш-

га ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз — нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида ёзма ёки оғзаки ёхуд электрон шаклда топшириқ (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилувчи жисмоний ёки юридик шахс;»;

тўққизинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таваккалчилик — мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги.

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд ёки ҳарбий органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларни бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари, шу жумладан, собиқ юқори мансабдор шахслар;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар;»;

г) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ижро хатларини ёзиш.»;

д) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 4-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳамда тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;»;

еттинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси ижросини зудлик билан таъминлаш чораларини кўриш.»;

ж) 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартибини назарда тутувчи ички қоидаларни ишлаб чиқишлари керак.

Ички қоидалар мазкур Қоидалар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳоланишидан келиб чиқиб тузилиши керак.

Ички қоидалар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар но-

тариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.»;

з) қўйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.»;

и) 9-бандда;

биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида алоқанинг телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда юборилишини, шунингдек, махсус ваколатли давлат органининг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайдилар.»;

к) 11-бандда;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органига ёзма ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда ахборот бериш.»;

тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 11¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан махсус ваколатли давлат органи томонидан фойдаланиш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.»;

м) 16-бандда:

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 16²-бандда:

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина раҳбарият руҳсати билан киришиш (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттирилиши);»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари юқори мансабдор шахсларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахсларга ҳам мазкур бандда назарда тутилган чораларни кўришлари шарт.

Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари бундай миждоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай миждознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши ва бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига хабар бериши лозим.»;

о) 23¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари электрон равишда расмийлаштирилиши ҳамда ҳар йили 15 январгача махсус ваколатли давлат органи ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилиши лозим.»;

п) 23²-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги ташкилотлар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;»;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар;»;

р) 34-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши устидан мониторинг ва назорат ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳамда мониторинг ва назоратни амалга ошириш жараёнида аниқланган хавф-хатардан келиб чиқиб, мутахассисларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.»;

с) қўйидаги мазмундаги 34²-банд билан тўлдирилсин:

«34². Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари ички ва ташқи вазиятлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда ички назорат тизими самарадорлигини доимий равишда мониторинг қилади ва баҳолаб боради, шунингдек иш самарадорлигини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.»;

т) илованинг илова белгисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга»

деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Нотариал палатаси билан келишилган.

Келишилди:

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2021 йил 24 май

Нотариал палатаси раиси

Д. АШУРОВ

2021 йил 7 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

353 Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2367-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 4 апрелдаги 53-сон буйруғи (рўйхат рақами 2367, 2012 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 238-модда) билан тасдиқланган Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июнда эълон қилинган.

воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 июнь,
145-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил 2 июндаги
145-сон буйруғига
ИЛОВА

Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ДЙХХХ деб юритилади) органлари томонидан техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартибини белгилайди.»

2. 1-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «2003 йил 31 январдаги 54-сон» деган сўзлар «2021 йил 9 мартдаги 125-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг биринчи хатбошидаги «2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4 ёки 4а-иловаларига» деган сўзлар «2021 йил 9 мартдаги 125-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3 ёки 4-иловаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
ҚУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

354 Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раиси**

Ш. ШАРАХМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 июнь,
08/15-05/01-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш Департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 11 июнь,
20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш қўмитасининг
2021 йил 12 июндаги 08/15-05/01-сон ва
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
11 июндаги 20-сон қарорига
ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва
қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар, шунингдек хорижий давлат корхоналарининг раҳбарлари, хорижий таниқли сиёсатчилар ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);»;

қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар;»;

ўн олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўн еттинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд қўчиришни тақиқлаш;

юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси — чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда

ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари);

учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар.».

2. 4-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларни кечиктирмасдан ва олдиндан хабардор қилмасдан тўхтатиб туриш, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг шахсий ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;»;

ўн учинчи хатбошидаги «ва уларнинг яқин қариндошлари» деган сўзлар «уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида ижро этиш.».

3. Қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Биржалар биржа аъзоларига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни мустақил равишда тўхтатиб туриш, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг шахсий ҳисобига тушадиган маблағларни ўтказиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат бериш ва тўхтатиб турилган операцияларни тиклаш имкониятини яратиш бериши шарт.».

4. 6-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилик талабларини бажармаётган биржа аъзоларига нисбатан мутаносиб равишда санкцияларни қўллаш;»;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«биржа томонидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш мақсадида биржа аъзосининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан биржа-

нинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича зарур ҳужжатлар ва маълумотни талаб қилиш ҳуқуқини;»;

ўн биринчи хатбошиси тегишлича ўн иккинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

5. Қўйидаги мазмундаги 7¹ ва 7²-бандлар билан тўлдирилсин:

«7¹. Биржа аъзоларининг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим.

Агарда биржа аъзоларининг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари жойлашган мамлакатнинг қонунчилиги билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги енгилроқ ички назорат чора-тадбирлари назарда тутилган бўлса, улар мазкур Қоидаларга амал қилишлари керак.

7². Биржа аъзоси ўзининг чет элдаги шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақиқланганлиги сабабли жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларга риоя қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, биржа аъзосининг бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида, биржа аъзосининг бош офиси бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига хабар бериши шарт.».

6. Қўйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида биржанинг ваколатли ходими биржа аъзоларининг раҳбарларини, бенефициар мулкдорларини ва аффилланган шахсларини (агар мавжуд бўлса) идентификациялаши ва уларни Рўйхат билан солиштириши керак.

Биржанинг ваколатли ходими биржа аъзоларининг раҳбарлари, бенефициар мулкдорлари ёки аффилланган шахслари (агар мавжуд бўлса) Рўйхат билан тўлиқ мос келган тақдирда, бу ҳақида дарҳол махсус ваколатли давлат органига, Монополияга қарши курашиш қўмитасига ҳамда биржа раҳбарига хабар бериши шарт.».

7. Қўйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Масъул шахс лавозимига тайинланаётган шахс жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши ку-

рашиш бўйича халқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ҳамда биржа савдоси қоидаларини билиши керак.»

8. 13-бандда:

учинчи хатбоши қўйидагича баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш ва уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирларини кўриш;»;

қўйидаги мазмундаги ўн биринчи-ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«махсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

жинойъ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ўқув тадбирларида иштирок этиш ва ўқув тадбирларида олинган маълумотларни биржа фаолиятида иштирок этувчи биржа аъзоси ходимларига етказиш.»;

ўн биринчи хатбошиси тегишлича ўн учинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

9. 14-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўқитиш мунтазам равишда, йилига камида бир марта ўтказилади.»

10. 16²-бандда:

иккинчи хатбошидаги «у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша» деган сўзлар «мижоз номидан иш юритувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар мижознинг бенефициар мулкдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса, биржа аъзолари мижознинг раҳбарини идентификациялашлари керак.»; бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари ёки бенефициар эгаси бўлган юқори мансабдор шахсларнинг яқин шахсларига нисбатан биржа аъзоларининг ходимлари:»;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахс, унинг оила аъзолари ёки юқори мансабдор шахсга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларига фақатгина биржа аъзосининг раҳбарияти рухсати билан киришиши (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш);».

11. Қўйидаги мазмундаги 16³-банд билан тўлдирилсин:

«16³. Биржа аъзолари мазкур Қоидаларнинг 16²-банди иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур

ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнги жавобгарлик биржа аъзосининг зиммасида қолади. Бунда биржа аъзоси:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхаларини сўров асосида дарҳол олиш имкониятига эга бўлишига;

учинчи томон мазкур Қоидалар асосида ишлашига ишонч ҳосил қилиши керак.

Мазкур банднинг юқорида кўрсатилган талабларидан бирига риоя қилинмаган тақдирда, биржа аъзолари мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширишлари керак.».

12. 17-бандда:

қўйдаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.»; иккинчи хатбошиси тегишлича учинчи хатбошиси ҳисоблансин.

13. Қўйдаги мазмундаги 17¹-банд билан тўлдирилсин:

«17¹. Биржанинг аъзоси, агар мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш имкони бўлмаса, мижоз билан иш муносабатларига киришни рад этиши ва (ёки) мавжудларини тўхтатиши, шунингдек, махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юбориши шарт.».

14. 23-банд иккинчи хатбоши қўйдаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда мижоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ биржа аъзоси томонидан таваккалчилик юқори баҳоланганда йилига камида бир маротаба, бошқа ҳолларда икки йилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.».

15. Қўйдаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Агар мавжуд мижознинг жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

16. Қўйдаги мазмундаги 25¹-банд билан тўлдирилсин:

«25¹. Монополияга қарши курашиш қўмитаси биржалар билан бирликда йилига камида бир марта, шунингдек биржа савдоларидаги ёки жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялашти-

ришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ўзгариши муносабати билан биржа аъзолари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини ўрганеди.»

17. 26-бандда:

еттинчи хатбошидаги «ҳақиқий эгаси» деган сўзлар «бенефициар мулкдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «ва уларнинг яқин қариндошлари.» деган сўзлар «уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар.» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. Қуйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Биржа аъзолари Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиладиган шубҳали операцияни эрта аниқлаш бўйича услубий қўлланмаларни татбиқ этишлари мумкин.»

19. 32-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни солмай тўхтатиб қўйилиши лозим, агарда:»;

еттинчи хатбоши «операцияси тўхтатиб турилганда» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биржа аъзолари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишга рухсат беришни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. 37-бандда:

биринчи хатбоши «иш ёзишмаларини» деган сўзлардан кейин «ва ҳар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ мижоз сўровномасида қайд этилади.»

21. Қуйидаги мазмундаги 37¹-банд билан тўлдирилсин:

«37¹. Биржалар ошкор қилмаслик ва сақлаш муддатлари бўйича талабларга риоя этган ҳолда барча ҳужжатларнинг электрон нусхаларини сақлашлари мумкин.»

22. Қуйидаги мазмундаги 38¹-банд билан тўлдирилсин:

«38¹. Мижознинг лозим даражада текширилганлиги ҳақида, шу жумладан, мижознинг сўровномасидан маълумот учинчи томонларга уларнинг сўровига биноан берилиши мумкин.».

23. 40-банд қўйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаларига ҳам мазкур Қоидалар билан белгиланган талаблар қўлланилади.».

24. Қўйидаги мазмундаги 40¹-банд билан тўлдирилсин:

«40¹. Биржа аъзосининг ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, ички назорат тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.».

25. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ таҳрирдаги 1 — 3-иловалар билан тўлдирилсин.

26. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржаси ва Республика универсал агросаноат биржаси билан келишилган.

Келишилди:

*«Ўзбекистон Республика
товар-хом ашё биржаси»
АЖ Бошқарув раиси*

З. БАДРИДДИНОВ

2021 йил 10 июнь

*«Республика универсал
агросаноат биржаси» АЖ
бош директори*

Т. ВАЛИТОВ

2021 йил 10 июнь

Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий
қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартишлар ва
қўшимчаларга
ИЛОВА

«Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий
қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига
1-ИЛОВА

Жисмоний шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги ҳақида маълумотлар.
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки солиқ тўлов-чининг идентификация рақами.
5. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
6. Фуқаро паспорти ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат (ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи).
7. Мобил телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий
қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига
2-ИЛОВА

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:
 - а) тўлик, шунингдек, агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

г) жойлашган жойи (почта манзили), шунингдек рўйхатдан ўтган офисининг манзили ва бош офисининг манзили, агар у биринчисидан фарқ қилса;

д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

е) лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

ж) имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификациялаш тўғрисида маълумотлар;

з) юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда мижознинг устав фонди (капитали)даги уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахснинг бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) Мазкур қоидаларнинг 1-иловасида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) фаолият амалга ошириладиган жой;

г) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

д) телефон рақамлари;

е) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.

Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
3-ИЛОВА

Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
3. Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг оила аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
4. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
5. Биржа аъзоси томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
6. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана.
7. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
8. Мижоз билан ишлашга масъул ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
9. Қоғоз шаклидаги мижоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ёки электрон кўринишдаги мижоз анкетасини (биржа аъзосининг электрон рақамли имзосидан фойдаланган ҳолда) тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
10. Ички қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

355 Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3310

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 июнь,
34-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш Департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 июнь,
23-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаментининг
2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил
16 июндаги 23-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи
ташкilotлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий
қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши
курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларнинг фаолияти;

ички ҳужжатлар — лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиловчи ҳужжатлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилот (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) — лотереялар ташкил этиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, ўйин ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг бутун комплексини ўтказишни ташкил қилувчи ва маблағ билан таъминловчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

мижоз — ўйин қийматини тўлаган, ташкилот билан шартнома тузган ва ўйинда уни ўтказиш шартларига мувофиқ қатнашувчи юридик ёки жисмоний шахс;

мижозни идентификациялаш — ташкилот томонидан мижоз ҳақидаги маълумотларни у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижозни лозим даражада текшириш — тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг шахси ва ваколатларини текшириш, шунингдек, мижознинг амалий иш муносабатларини доимий равишда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида ташкилот томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлардан келиб чиқиб ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида шубҳа туғдирган тайёрлаш жараёнида бўлган, амалга оширишга мўлжалланган ёки амалга оширилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

ички назорат тизими — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш ва мазкур Қоидаларга риоя этиш бўйича ташкилот томонидан кўриладиган чора-тадбирлар мажмуи;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

таваккалчилик — мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхта-тиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки

иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишининг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);

юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар.

2. Ички назоратнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали равишда аниқлаш ва тўхтатиш;

ташкилотларнинг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб этилишига йўл қўймаслик;

ташкilot фаолияти соҳасидаги таваккалчиликларни, шунингдек уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва баҳолаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ташкilotлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

3. Ички назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ миқозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

мазкур Қоидаларнинг 32-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга оширишда аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотларни (ҳужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларни кечиктирмасдан ва олдиндан хабардор қилмасдан тўхтатиб туриш, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг шахсий ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиб турилган қўннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни, шунингдек, миқозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланишини таъминлаш;

ташкilot раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миқозлар билан боғлиқ бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкilotлар билан ўзаро айирбошлаш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш учун ташкilot хизматлари-

дан фойдаланиш таҳдидининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

сўровномалар бўйича маълумотлар базасидан терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ шахслар тўғрисида ахборотни аниқлаш;

ташкилот фаолияти доирасида таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва камайиштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш;

мижознинг юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан ишга оид муносабатларини лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чораларни амалга ошириш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.

2-боб. Ички назорат тизимини ташкил этиш

4. Ички назоратни ташкил этиш мақсадида ташкилотларда ташкилот раҳбари буйруғи билан мазкур Қоидаларга риоя этилишига масъул бўлган шахс (бундан буён матнда масъул шахс деб юритилади) тайинланади. Буйруқ нусхаси буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

5. Ташкилотларининг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бунда ички назорат тизими ташкилотнинг ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ташқарисида жойлашган алоҳида бўлинмаларининг (шўъба бўлинмалар, ваколатхоналар, филиаллар, бўлимлар ва бошқалар — улар мавжуд бўлса) жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолиятини ҳам назарда тутиши лозим.

6. Ташкилот:

жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро талабларни бажармайдиган ёки етарли даражада бажармайдиган давлатларда жойлашган ўзининг чет элдаги алоҳида бўлинмалари томонидан ушбу соҳадаги халқаро стандартларга риоя қилинишига эътибор қаратиши;

ўзининг чет элдаги алоҳида бўлинмаларидан улар жойлашган мамлакатлар қонун ҳужжатларида тегишли чоралар тақиқланганлиги мавжудлиги сабабли, жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, бош офисга ахборот берилишини

талаб қилишга мажбурдир. Ўз навбатида, ташкилот бу ҳақда Молия вазирлиги ва махсус ваколатли давлат органига хабар бериши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг суиистеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши шарт.

7. Ташкилотларнинг чет элдаги алоҳида бўлинмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим. Агар бундай талаблар Ўзбекистон қонун ҳужжатлари талабларидан фарқ қилган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги юқориқоқ стандартлар қўлланилади.

8. Ташкилот ўз ташкилий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда масъул шахс бошчилик қиладиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий бўлинмани (бундан буён матнда таркибий бўлинма деб юритилади) ташкил қилиши ва белгилаши мумкин.

9. Ташкилот бўлинмалари ходимларининг масъул шахс — таркибий бўлинма бошлиғи ёки унинг ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ташкилотнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

10. Масъул шахсга ва таркибий бўлинма ходимларига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

а) масъул шахсга — таркибий бўлинма бошлиғига:

олий маълумотлилиқ ва раҳбарлик лавозимларида 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишлиқ;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлиқ;

б) таркибий бўлинма ходимларига:

олий маълумотлилиқ ва ташкилотда 2 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлиқ, олий маълумот мавжуд бўлмаганда эса — ташкилотда уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш тажрибасидан ташқари) эга бўлишлиқ;

ташкилот ишининг ўзига хос хусусиятини билишлиқ.

11. Ташкилотлар ҳар йили январь ойининг 10-санасидан кечиктирмай тайинланган масъул шахс ҳақидаги маълумотларни Молия вазирлигига тақдим этишлари шарт.

Масъул шахс ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ташкилот беш кун мобайнида Молия вазирлигини хабардор қилиши лозим.

12. Молия вазирлиги ҳар йили январь ойининг 20-санасидан кечиктир-

май ташкилотлардаги масъул шахслар ҳақидаги маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Агар ҳисобот йили давомида ташкилотларда масъул шахслар ўзгарса, Молия вазирлиги ташкилотлардан тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни олган кундан бошлаб беш кун ичида махсус ваколатли давлат органига қўшимча равишда хабар беради.

13. Масъул шахсларни ўқитиш ва малакасини ошириш махсус ваколатли давлат органи томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда ўтказилади.

Ўқитиш қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан танишиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишнинг услублари ва замонавий усуллари ўрганиш; ички назоратни амалга ошириш бўйича амалий машғулотлар;

масъул шахснинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муаммоларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбир (шунингдек, халқаро тадбир)ларда иштирок этиши (имконият даражасида).

Ички назоратни муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шarti бу — мазкур жараёнда ҳар бир ходим ўз ваколати доирасида қатнашиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўқитиш ўтказилади.

Ўқитиш мунтазам равишда бир йилда камида бир марта ўтказилади.

14. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида масъул шахс қуйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этиш ва амалга оширилишини ташкил этади;

ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ички назоратни амалга ошириш бўйича ички ҳужжатлар ва дастурларни ишлаб чиқади ҳамда раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган мижозларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги хабарларни ташкилот раҳбарияти билан келишган ҳолда махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида юборилишини, шунингдек, махсус ваколатли давлат органининг қўшимча аҳборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган тегишли маълумотларни (материаллар, ҳужжатлар ва бош-

қалар) йиғиш, расмийлаштириш, сақлашни ўрнатилган тартибда амалга оширади, уларнинг махфийлигини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назорат дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди.

ички назорат тизимини ташкил этиш ва Молия вазирлиги томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда мониторинг ва назорат ўтказилиши давомида ташкилот фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторингни амалга оширади.

15. Масъул шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича келгусидаги хатти-ҳаракатларга оид (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиб туриш ва пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича) таклифларни раҳбариятга киритиш.

Масъул шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Масъул шахс қуйидагиларга мажбур:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича ўз таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш, ушбу таваккалчиликларни ҳужжатлаштириш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;

ички назоратни амалга ошириш жараёнида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган барча ғайриоддий йирик миқдордаги операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиши;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органига хабар бериш;

олинган маълумотнинг махфийлигига риоя қилиш.

Масъул шахс зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Мижозларни лозим даражада текшириш

17. Ташкилотлар қуйидаги ҳолатларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади:

амалга ошириладиган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий

қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлса;

операция амалга ошириш кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдоридан ортиқ бўлган бир марталик операциялар амалга оширилганда;

мижоз ҳақида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса.

18. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича ташкилотлар томонидан кўриладиган чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

мижознинг ва у тегишли ҳужжатлар асосида қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

19. Агарда операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёхуд оффшор ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган, шунингдек таваккалчиликнинг юқори даражаси тоифасига киритилган шахс бўлганда ташкилотлар мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларни кўришлари лозим.

20. Мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларига қўйидагилар киради:

мижоз ҳақида қўшимча маълумотлар (фаолият тури, активлар миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиниши мумкин бўлган маълумот ва бошқалар) олиш ва мижоз ёки бенефициар мулкдор бўйича маълумотларни янада тезроқ янгилаб бориш;

мижоздан унинг пул маблағлари манбаси ёки молиявий ҳолатининг манбаси ҳақида маълумот олиш;

иш амалиётларини амалга ошириш сабаблари тўғрисида маълумот олиш;

операцияларни (битимларни) амалга ошириш сабабларини аниқлашнинг бошқа кучайтирилган чораларини амалга ошириш.

21. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар мижоз томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мижозни текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санага ҳақиқий бўлиши лозим.

22. Мижозларни лозим даражада текшириш операцияларни амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Мижозни идентификациялаш билан бир қаторда у томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган

ҳолда унинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

23. Мижоз бир ёки бир неча марта мурожаат қилганда, ташкилот қўйидагиларга мажбур:

мижозни қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ идентификациялаш;

ўтган ҳисобот даврида (ой, чорак, ярим йил, йил) мазкур мијознинг илгари лотерея бўйича ютуқларини ўрганиб чиқиш, агар унинг тасарруфида бундай операциялар тўғрисида ахборот мавжуд бўлса.

24. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт/ID-картанинг идентификация рақами ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади.

Агар мијоз — жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

25. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда ташкилот унинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Бунда, агар мијоз — юридик шахс номидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахс иш кўраётган бўлса, ташкилот бундай жисмоний шахсни идентификациялаш бўйича ҳам маълумотларни олиши лозим.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан мијозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

26. Ташкилот мијоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мијоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мијознинг аввалги ташкилот билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мијознинг ишчанлиги тўғрисидаги маълумотларни йиғиш орқали текшириш ҳуқуқига эга.

27. Ташкилот қўйидаги ҳолларда мијозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этади:

мијоз — жисмоний шахснинг ўзининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи (паспорт маълумотларига мувофиқ) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкилот томонидан сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда.

4-боб. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

28. Ташкилот мијозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни

амалга оширишда таваккалчилик даражасини (бундан буён матнда таваккалчилик даражаси деб юритилади) аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш чоратадбирларини кўриши шарт.

Таваккалчилик даражаси мижоз тақдим этган ахборот асосида, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим тарзда текшириш натижаларини, шунингдек, мавжуд манбалардан олинган бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда масъул шахс томонидан ҳар йили аниқланади ва баҳоланади.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари ёзма равишда расмийлаштирилиши ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этилиши лозим.

29. Таваккалчиликнинг юқори даражаси тоифасига ташкилотнинг масъул вакили аввалдан қўйидаги мезонларга эга бўлган мижозларни тегишли деб топиши ва уларга нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини амалга ошириши лозим:

Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

норезидентлар;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслари;

ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлардаги манзилга тўғри келмайдиган юридик шахслар;

бенефициар мулкдор ушбу банднинг иккинчи, учинчи ва бешинчи ҳатбошиларида кўрсатилган шахс бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

мунтазам равишда (уч ой мобайнида икки мартадан ортиқ) шубҳали операцияларни амалга ошираётган мижозлар;

ташкилотнинг масъул шахсида асосли шубҳа уйғотадиган молиявий операцияларни амалга оширувчи бошқа шахслар.

30. Мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, ташкилот зарур бўлганда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиши лозим.

Ташкилот барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияларни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратиши керак.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот ташкилотнинг раҳбариятига тақдим этилиши лозим.

31. Ташкилот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишига йўл

қўймаслик бўйича чора-тадбирларни кўриши керак. Бу мақсадларда ташкилотнинг масъул ходими:

хизматларнинг янги турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши;

янги ҳамда амалдаги хизмат турларида янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини аниқлаши ва баҳолаши лозим.

Бундай таваккалчиликнинг баҳоланиши хизматларнинг янги турлари, янги иш амалиётининг ишга туширилиши ёхуд янги ёки ривожланаётган технологияларни фойдаланишга туширишдан аввал ўтказилиши лозим.

Ташкилот бундай таваккалчиликни мониторинг қилиш ва уларни пайсатириш бўйича тегишли чораларни кўриши лозим.

5-боб. Хабар берилиши лозим бўлган операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартиби

32. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қўйидаги ҳолатларда шубҳали деб топилиши мумкин:

бир вақтнинг ўзида ташкилот томондан йирик пул ютуқларини (базавий ҳисоблаш миқдорининг 1500 бараваридан юқори) икки ёки ундан ортиқ ютуқли билетлар эгаларига тўлашда (беришда);

мижоз ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса; ютуқни олишда қалбаки лотерея билет тақдим этилаётганлигига шубҳа уйғонса.

33. Операцияни шубҳали деб топиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

34. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси — юридик шахс ёки юридик шахс бўлмаган ташкилот Рўйхатга киритилган шахснинг мулкида ёки назорати остида бўлса.

Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйил-

ганда лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилот ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдори кўрсатилган ҳолда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юборишлари лозим.

Ташкилот тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклаш ва тўхтатиб қўйилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулкларни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.

35. Операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак ёхуд оффшор зонада, шунингдек юқори даражадаги хавф сифатида таснифланади.

36. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс шубҳали операцияни амалга оширишга тайёргарлик кўриляётганлигини ёки амалга оширилганлигини тасдиқловчи асосланган ҳужжатларни тайёрлайди ва ташкилот раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади, раҳбар мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида.

37. Шубҳали операция тўғрисидаги хабар операция шубҳали деб топилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ташкилот томонидан махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

38. Ҳар бир шубҳали операция тўғрисидаги маълумот масъул шахс томонидан қоғоз ёки электрон кўринишда юритилувчи махсус журналга киритилади.

39. Ташкилотлар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни махсус ваколатли давлат органига кечиктирмай топширишлари зарур.

6-боб. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

40. Ташкилот ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган маъ-

лумот ва ҳужжатларни ҳар бир операция бўйича, жумладан, лозим даражада текшириш натижалари бўйича шубҳали деб тан олинмаган операциялар бўйича миждан талаб қилиб олади ва йиғади.

41. Ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар асосида ички назоратни амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантиради.

42. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, ташкилот танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

43. Лозим даражада текшириш жараёнида олинган барча маълумотлар ва ҳужжатлар ташкилотнинг миждозларни идентификациясини амалга оширувчи ходимларига миждоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун очиқ бўлиши лозим.

44. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

45. Миждозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар ҳар йили янгиланиб борилиши лозим.

46. Ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, миждозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки миждоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлашлари шарт.

47. Ташкилотлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг операциялари ҳақида махсус ваколатли давлат органига маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот беришга ҳақли эмаслар.

Ташкилотлар ўз ходимлари томонидан ички назорат бўйича функцияларини бажариш жараёнида олинган ахборотларни бошқаларга ошкор қилмасликларини (ёхуд шахсий мақсадлар ёки учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланишга рухсат берилмаслигини) таъминлайдилар.

48. Масъул шахснинг фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатлар (ички назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ёзишмалар, шу жумладан, махсус ваколатли давлат органига юборилган хабарларнинг қоғоздаги ва электрон нусхалари, миждозларнинг қоғоздаги ва электрон анкеталари, махсус журналлар ва х.к.)дан фойдаланилишини чеклаш мақсадида, бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита махсус жиждозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муждорланадиган сейфда ушбу шахс томонидан сақланиши лозим.

49. Ҳужжатларнинг электрон шакллари дастурий усулда архивлашти-

рилиши, электрон ахборот ташувчи ускуналарга ёзиб қўйилиши ҳамда масъул шахс томонидан уларнинг рўйхати билан биргаликда ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши зарур.

7-боб. Яқуний қоидалар

50. Ташкилотлар томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Молия вазирлиги томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда амалга оширилади.

51. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаментининг
2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил
16 июндаги 23-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103 ва 40-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2037, 2009 йил 5 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 495-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 9 июндаги 48 ва 16-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида»ги қарори (рўйхат рақами 2037-1, 2010 йил 8 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 26-27-сон, 224-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг 2015 йил 7 апрелдаги 28 ва 10-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2037-2, 2015 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 188-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

356 Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон қарори билан тасдиқланган Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 357-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 июнь,
01/14-14-13-987-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 июнь,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлигининг
2021 йил 17 июндаги 01/14-14-13-987-сон ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
16 июндаги 22-сон қарорига
ИЛОВА

**Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ўн учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи. ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазибаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ва-

колатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);»;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахслар билан ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар;»;

ўн тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар тегишлича ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 3-бандда:

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сўровномалар бўйича мижозлар базасидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, террорчилик фаолиятини молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш;»;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳамда юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;».

3. Қуйидаги мазмундаги 4¹ ва 4²-бандлар билан тўлдирилсин:

«4¹. Ҳар бир риэлторлик ташкилоти қонунчиликка ҳамда ушбу Қоидаларга асосан масъул шахснинг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилаб берадиган низомни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга киритиши шарт.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган низомда масъул шахсга қўйиладиган қуйидаги талаблар белгиланиши лозим:

унинг мақсади ва вазифалари;

унинг риэлторлик ташкилотининг бошқа ходимларидан мустақиллигини таъминлаш усуллари;

унинг раҳбарият билан, шу жумладан, чет элдаги филиаллар ва ваколатхоналар (агар бўлса) билан ўзаро муносабатлари;

ўз функцияларини амалга ошириш учун зарур ахборотни олиш ҳуқуқи, шунингдек риэлторлик ташкилоти, шу жумладан, чет элдаги филиаллар ва ваколатхоналар (агар бўлса) ходимларининг бундай ахборотни тақдим этиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш мажбурияти:

қонунчилик ва ички ҳужжатлар талаблари бузилишларини ўрганиш ҳуқуқи;

малакасини ошириб бориш бўйича талаблар;

махсус ваколатли давлат органининг қўшимча маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўровларни ва мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги талабномасини ўз вақтида бажариш бўйича чоралар.

4². Илгари суд томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга боғлиқ бўлган жиноятлар учун

жинойй жавобгарликка тортилган шахслар масъул шахс этиб сайланиши мумкин эмас.».

4. 14-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 20²-бандда:

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар;»;

қўйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган дастурий мажмуалардан фойдаланувчи мижозлар;

оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;»;

ўнинчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 21-банддаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Қўйидаги мазмундаги 31¹-банд билан тўлдирилсин:

«31¹. Риэлторлик ташкилотлари ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инobatга олган ҳолда, тижорат банки ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилади ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

Риэлторлик ташкилотида ички аудит хизмати мавжуд бўлган тақдирда, ички назорат фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ушбу хизмат томонидан амалга оширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

357 «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2265-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 25 августдаги 56, 28-сон «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2265, 2011 йил 22 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 38-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 июнь,
33-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 7 июнь,
17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги 2021 йил 10 июндаги
33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2021 йил
7 июндаги 17-сон қарорига
ИЛОВА

**«Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

1) номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддиманинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда (бундан буён матнда лизинг берувчилар деб юритилади) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

3) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар-

ни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;»;

тўққизинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;

ўн иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишнинг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

операцияни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари бўйича, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқ-номалари ижросини тўхтатиб туриш;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан собиқ);

юқори мансабдор шахсларга яқин бўлган шахслар — юқори мансабдор шахсларга ижтимоий ва касбий жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлган жисмоний шахслар;»;

4) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлар билан қайд этиш ва камайтириш;»;

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш ва лизинг фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;»;

бешинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциясини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш;»;

еттинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сўровлар бўйича мижозлар базасидан терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш;

лизинг берувчи фаолияти доирасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қир-

фин қуролини тарқатишни молиялаштириш тавакқалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлар билан қайд этиш ва камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларнинг амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.»;

6) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Департаментни» деган сўз «махсус ваколатли давлат органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида юборилишини, шунингдек, махсус ваколатли давлат органининг ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;»;

9) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Масъул шахсларни ўқитиш ва малакасини ошириш ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида мунтазам равишда бир йилда камида бир марта махсус ваколатли давлат органи то-

монидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилади.»;

11) 2-боб қўйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Лизинг берувчилар мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўйидагилар акс этган ички қоидаларни ишлаб чиқишлари лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, камайтириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби;

мижозларни ва уларнинг бенефициар мулкдорларини лозим даражада текшириш, шунингдек мижозлар операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш қоидалари;

керакли ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби, шунингдек бундай операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва махсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга қўйиладиган малакавий талаблар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларни чуқур мониторинг қилиш тартиби;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозларнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай мижозлар операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.»;

12) 13-бандда:

учинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 13¹-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 15-банддаги «мижознинг» деган сўз «мижоз ва унинг вакилининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) қўйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

«18¹. Операция иштирокчиси ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга нисбатан лизинг берувчилар:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текши-

риш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши (ёки давом эттирилиши);

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб бориши лозим.»;

16) 19¹-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 19²-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг эгаллиги ёки назоратидаги ташкилотлар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар;»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

18) 19⁴-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 3¹-боб қуйидаги мазмундаги 19⁵-банд билан тўлдирилсин:

«19⁵. Чет эл лизинг берувчиларининг алоҳида бўлинмалари (агар мавжуд бўлганда) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим, мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларидан фарқ қилган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаши лозим.

Лизинг берувчилар ўзларининг хориждаги алоҳида бўлинмаларидан мазкур ажратилган бўлинмалар жойлашган мамлакат қонун ҳужжатларидаги тақиқлар туфайли жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли тадбирлар-

ни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар тўғрисида лизинг берувчи бош офисини хабардор қилишни талаб қилишга мажбурдир. Ўз навбатида, лизинг берувчилар бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва махсус ваколатли давлат органига хабар бериши шарт.

Лизинг берувчилар ўзларининг чет элдаги алоҳида бўлинмалари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида лизинг берувчининг ички қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда лизинг берувчининг ички қоидаларига риоя қилишлари керак.»;

20) 20-банднинг ўн иккинчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 22-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилиши ҳамда махсус ваколатли давлат органига хабар юборилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Лизинг берувчилар тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.»;

22) 22¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22¹. Операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.»;

23) 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 24-банднинг биринчи хатбошисидаги, 25-банддаги, 26-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 28¹-банддаги

«Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 27-банд қўйидаги мазмундаги хатбошиси билан тўлдирилсин:

«Операциялар тўғрисидаги ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим»;

25) 28-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Лизинг берувчилар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда бундан манфаатдор бўлган бошқа жисмоний ва юридик шахсларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этилган уларнинг операциялари тўғрисидаги хабарларни тақдим этиш ҳақида хабардор қилишга ҳақли эмаслар.»;

26) 29-банддаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) қўйидаги мазмундаги 29¹-банд билан тўлдирилсин:

«29¹. Лизинг берувчи ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, лизинг берувчининг ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек зарур ҳолда самарали ишлашини таъминлаш учун унинг фаолиятини кучайтиради.

Лизинг берувчида ички аудит хизмати мавжуд бўлганда, ички назорат фаолияти самарадорлигини мониторинги ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.»;

28) 30 ва 31-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

358 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ-679-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон қарори (рўйхат рақами 3224, 2020 йил 10 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2020 й., 10/20/3224/0312-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомнинг 1-банди еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан, ахборот тизимларида очик шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 май,
12/3-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

359 Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқноманинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-2

Ўзбекистон Республикасининг «Санитария-эпидемиология хизмати тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 27 июлдаги ПҚ–4790-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3197, 2019 йил 19 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2019 й, 10/19/3197/4037-сон; 20.10.2020 й., 10/20/3197-1/1396-сон) билан тасдиқланган Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқноманинг 20-бандидаги «Туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. МАКСУДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 июнь,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари

А. ИНОЯТОВ

2021 йил 28 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

360 «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелда 222-сон «Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан, илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3036, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/3036/1472-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар Академияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 14 июнь,
148-сон

И. АБДУРАХМОНОВ

Келишилди:

Молия вазири

2021 йил 9 июнь

Т. ИШМЕТОВ***Олий ва ўрта махсус
таълим вазири***

2021 йил 28 май

А. ТОШКУЛОВ***Фанлар академияси
президенти***

2021 йил 3 июнь

Б. ЮЛДАШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**361** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3311*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ҳамда «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ 2021 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 июнь,
14-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 18 июндаги
14-мҳ-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш
ҚОИДАЛАРИ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси фармойишларининг ҳисобини юритишга ҳам татбиқ этилади, мазкур Қоидаларнинг 8-банди учинчи — еттинчи хатбошилари, 17, 21 — 23-бандлари бундан мустасно.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 июнда эълон қилинган.

3. Мазкур Қоидаларда белгиланган тартиб «Махфий» белгиси қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритишга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни марказлаштирилган тарзда йиғиш, ҳисобга олиш, уларнинг фондларини яратиш ва назорат нусхаларини юритиш ҳамда улар ҳақидаги марказлаштирилган ахборотни шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклдаги реестрга киритиш орқали ҳисобга олиш, матнларини йиғиш ва сақлаб туриш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби реестри (бундан буён матнда Давлат ҳисоби реестри деб юритилади) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, тури, қабул қилган орган, қабул қилиш санаси ва унинг рақами, кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати, расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги, шунингдек, ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича коди ҳақидаги маълумотлар ифодаланган реестр;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги реестри — давлат органлари томонидан юритиладиган ва уларнинг расмий веб-сайтларида доимий жойлаштириб бориладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхат;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларини юритиш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнларига уларни қайта кўриб чиқишга асос бўлган (ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги) ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни киритиш.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) томонидан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби ва тарқатилиши» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларини юритади, уларнинг банкини (фондини), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг электрон фонди — Fond.uz базасини шакллантиради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги назорат нусхалари Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси (бундан буён матнда «Адолат» маркази деб юритилади) томонидан «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси» (Lex.uz)да (бундан буён матнда Миллий база деб юритилади) юритилади.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисоби давлат органлари томонидан юритилади.

2-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш учун юбориш тартиби

7. Қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олиш учун Адлия вазирлигига юборилади:

- а) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- д) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

8. Мазкур Қоидаларнинг 7-банди «а», «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар уларни қабул қилган органлар томонидан Адлия вазирлигига имзоланган кун ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) электрон шаклда юборилади.

Мазкур Қоидаларнинг 7-банди «д» кичик бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон шаклда Адлия вазирлигининг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан «Адолат» марказига электрон шаклда тақдим этилади.

Ушбу Қоидаларнинг 7-банди «е» кичик бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «Адолат» марказига қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кун ичида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан электрон шаклда юборилади.

Бунда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўйидаги тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига тақдим этилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишинча туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан.

Бунда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шакли электрон почта тизими орқали юборилади.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш учун уларнинг давлат тилидаги муҳрланган ҳолдаги нусхалари рангли кўринишда

электрон почта тизими орқали юборилади, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва уларнинг фондларини сақлаш тартиби

10. Давлат ҳисоби реестрига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар киритилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақами;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни реестрга киритиш санаси;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган(лар);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш санаси ва унинг рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун уларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган рақами ва санаси);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича коди;

бошқа маълумотлар (изох).

11. Давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари хронологик тартибда тизимлаштирилади ва махсус йиғмажилдлар ҳамда маълумотларнинг электрон базаларида сақланади.

12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоғоз шаклдаги назорат нусхаларини юритиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқишга асос бўлган ҳужжатларнинг реквизитлари 1-иловага мувофиқ жадвалга киритилиб, мазкур ҳужжат расмий матнининг охирига саҳифасидан кейин жойлаштириб борилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологик тартибда алоҳида йиғмажилдларда сақланади ҳамда йиғмажилдлар муқовасига «НАЗОРАТ» белгиси, шунингдек, ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий матнининг дастлабки саҳифасига назорат муҳри қўйилади.

13. Давлат ҳисоби реестри Миллий базанинг таркибий қисми бўлиб, ундаги давлат ҳисобига олиш учун келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари эса расмий ҳисобланади.

14. Адлия вазирлиги давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фондларга ўз вақтида киритилишини ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан уларнинг назорат ҳолатида сақлаб турилишини таъминлайди.

4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш ва сақлаш тартиби

15. Давлат органлари ўзлари томонидан қабул қилинган ҳамда бевосита ўз фаолиятига тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат органларининг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш ихтиёрий бўлиб, тегишли давлат органи раҳбарининг қарорига мувофиқ амалга оширилади, бундан ушбу Қоидаларнинг 16 ва 17-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида бевосита ўз фаолиятига тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда уларнинг ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тизимлаштирилган ҳисоби юритилади.

17. Туман (шаҳар) ҳокимликларида тегишинча туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳамда вилоят, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тизимлаштирилган ҳисоби юритилади.

18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш вазифаси юридик хизмат ходимига (юрисконсультга) юклатилади. Унинг йўқлигида ушбу вазифа тегишли давлат органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари томонидан бошқа шахсга юклатилади.

19. Давлат органларининг бевосита ўз фаолиятига тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларга Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган тартибда Миллий база асосида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби ва тарқатилиши» ахборот тизими орқали юборилади.

20. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Қоидаларнинг 18-бандида кўрсатилган ходимлар томонидан мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги реестрига киритилиб, доимий равишда давлат органларининг расмий веб-сайтларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларига ҳавола қилган ҳолда эълон қилиб борилади. Расмий веб-сайтга эга бўлмаган худу-

дий ёки таркибий бўлинмаларга тегишли маълумотлар юқори турувчи ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

21. Давлат органларида ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоғоз шаклдаги нусхалари сақланади, бундан мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

туман (шаҳар) ҳокимликларида тегишинча туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳамда вилоят, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

22. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоғоз шаклдаги матнлари махсус йиғмажилдларда хронологик тартибда сақланади ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий матнларининг охири саҳифасидан кейин мазкур ҳужжатни қайта кўриб чиқишга асос бўлган ҳужжатлар кетма-кетликда жойлаштирилади.

23. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги реестрига қуйидаги маълумотлар киритилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақами;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни реестрга киритиш санаси;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган(лар);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш санаси ва унинг рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун уларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган рақами ва санаси);

бошқа маълумотлар (изоҳ).

5-боб. Яқуний қоидалар

24. Давлат ҳисоби реестри ва фондларнинг сақланиши, ишончилиги учун жавобгарлик Адлия вазирлиги мансабдор шахслари зиммасига, давлат органларида юритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шаклдаги реестрларидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилигига мазкур ташкилотлардаги масъул шахслар зиммасига юкланади.

25. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 18 июндаги
14-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 389-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1856-1, 2014 йил 31 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 5-сон, 64-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги 39-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2326, 2012 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 72-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 январдаги 23-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2326-1, 2015 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 38-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2326-2, 2018 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 20-сон, 430-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 13-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 10 июндаги 19-сон ««Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-4.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 2 июндаги 145-сон «Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2367-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг 2021 йил 12 июндаги 08/15-05/01-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 11 июндаги 20-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-5.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил 16 июндаги 23-сон «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-

тиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3310.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 17 июндаги 01/14-14-13-987-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 16 июндаги 22-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил 10 июндаги 33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 17-сон «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2265-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 28 майдаги 12/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 июндаги 5-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойихалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқноманинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-2.

9. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2021 йил 14 июндаги 148-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан, илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тар-

тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3036-1.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 июндаги 14-мҳ-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3311.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103 ва 40-сон «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2037, 2009 йил 5 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2037-1, 2010 йил 8 июль), (рўйхат рақами 2037-2, 2015 йил 14 апрель).

2021 йил 17 июнда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/5-сон «Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар), шу жумладан, илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadиган юқори технологик асбоб-ускуналарда ишлаш методикасини ўзлаштириш учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида уларни танлов асосида саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3036, 2018 йил 5 июль).

2021 йил 17 июнда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1856-1, 2014 йил 31 январь).

2021 йил 19 июнда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги 39-мҳ-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида конун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2326, 2012 йил

14 февраль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2326-1, 2015 йил 21 январь), (рўйхат рақами 2326-2, 2018 йил 15 май).

2021 йил 19 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.